

Анвар Обиджон



ФУТБОЛ ТҮПНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

ОЛТИ ТАЙМЛИ ҲАНГОМА

1. КАТАККА ҚҰМИЛГАН ТАНГАЛАР

Келинг, мактабда ўтилмай қолган бадантарбия дарси ҳисобидан аввал бир думалашыб олайлик, кейин салқинроқ жойни топиб бемалол вақиллашаверамиз. Ҳатто юракдан чиқарып бетиним бидирлаш учун ҳам, гапни эринмай тинглаб ўтириш учун ҳам катта жисмоний тайёргарлық керак. Баданни қызитиб олсак, бoshимдан ўтган ғаройиб ҳангомаларни айтиб мен толиқмайман, әшитиб сиз қарчамайсиз.

Қани, дарвоза тарафга қараб яна бир-икки думалайлик-чи. Бунинг учун олдин мени тепинг, кейин биронтаси кетингизга гүпиллатсын...

Ҳадеб кетингизни силайвермай, энди гапимни эшиңг. Магазиндан мени Акмал қора деган истараси иссиқ бола сотиб олди. У ўсиқ киприкларини пирпиратиб «анави сариғини чұзинг-чи», дея дўкончига мени кўрсатганида, шунақаям севиниб кетдимки, агар сизнинг ҳам дамингизни чиқарып, беш ярим ой пештахтага ташлаб қўйишса, бир четда жим туришга мажбурлик қанчалар қийинлигини тушуниб етган бўлардингиз. Мабодо футбол дарвазасининг устуни шунча вақт бекор турса, лиққатпазликдан: «Бор-е!» дерди-да, шартта шох чиқарып, барг ёзворарди. Бу устун мевали дарахтники бўлса, шу тобда сиз унинг тепасига чиқиб, олма ёки нашвати ейишни бошлаб юборардингиз, албатта.

Энди ишим юрибди-ю, дарёning суви қурибди, деганларидек, қулоғи оғир дўкончи қувончимни бир зумда чиппакка чиқараёди — у ўнг ёнимда тарвузга чатиштирилган помидордек қип-қизариб турган қориндор тўпни олиб, болакайга узатди. Бирдан ичикиб, баттар

шалвираб қолдим. Нима, айбим қизил бўлмаганимми?

Чап томонимда буришиб ётган боксчилар қўлқопи дўкончидан жаҳлланиб: «Шу масовнинг қаншарига қаратиб тортворайми!» дея фижиниб қўйди.

Шу пайт бир умр ёдимда қоладиган ҳодиса рўй берди—Акмал ҳалиги қизил пўстакка қайрилиб ҳам қарамай, бармогини тўппонча қилиб, иккинчи бор мени кўрсатди:

— Аナンини узатинг деяпман!

Дўкончи бурнини жийирганича каминани олиб, Акмалнинг олдига улоқтириди.

— Қизилини пишириб ейманми?— дея мени енгиди артишга тушди Акмал.— Сариқ тўпни ойдиндаям ўйнаса бўлаверади.

Шундай қилиб, магазиндан қутулдим-у, кўп ўтмай Акмал қора яшайдиган ҳовлида пайдо бўлдим. У акасининг велосипедидан дамлагични олиб мени шишираверди, шишираверди... Ростини айтсан, даставвал ўзим ҳам қўрқиб кетдим. Агар бирон жойимдан салгина чоким сўқилса борми, водород бомбасидек «гумбир-р» этиб ёриламан-у, сувга тушган телпакка ўхшаб яна бужмоқ шаклга кираман.

Акмал қоранинг аяси уйдан чиқиб келиб мени кўрди-ю, оғзи очилганича анграйиб қолди.

— Бу тўпни қаердан ўғирладинг, ҳой?— дея дабдурустдан ўғлига дўй урди у.— Дод қароқчидан! Мажаллага шарманда бўлдим-ку! Қараб тургин, сени милисага оёққинангдан боғлаб бермасамми!..

Шу тобда бу аёл ўғли томонда эмас, рақиблар командасида ўйнаётган қўрс ҳужумчикдек кўзимга совуқ кўриниб кетди. Ногаҳон тухмат деб шуни айтадиларда. Акмал шўрлик нима гуноҳ қилти? Мабодо, қизилини эмас, мени ёқтиргани жиноят ҳисобланса, ўша милицияси, мана, аканг қарағайни жазолай қолсин. Дўстим учун ўзимни гаровга қўёлмасам, тўп деган фахрли ном хайф менга!

— Бунақа зўр тўпни қайси аҳмоқ ўғирлатиб қўяркан?— мени дамлаб бўлиб, «Спартак» жамиятининг тамғасини эслатувчи қошларини керганича бамайлихотир жавоб қилди Акмал қора.— Мактабда овқатланишимга пул берармидингиз ахир? Ҳар куни беш тийиндан ортириб, уларни катакка кўмиб юрувдим. Олдинига-ку мени товуқ қийнади, энди сиз бормисиз?

— Қанақа товуқ?— деб баттардан шанғиллаб берди Акмалнинг аяси.

Жуда қизиқ иш бўлган экан-да, буни алоҳида гапириб берганим тузук. Акмал қора дессангиз нафсини қаҳрамонларча тийибди-ю, овқатланишдан кунда беш тийин-беш тийин ортириб қолиб, уларни эринмасдан катакка кўмиб юраверибида.

«Хазина» мўлжалдагига этиб қолганда, уни кавлаб олиш учун катакка кириб қараса, тангалари кўмилган жойга чипор товуғи тухум тўплаб, устига сўппайиб ўтириб олганмиш. Сурбетлик бундан ортиқ бўладими? Бундақанги молпараст товуқ ўз вақтида тарбияланмаса, оқибати чатоқ тугайди. Бугун танганинг устида жўжа очгиси келибдими, янаги сафар тухумни тўппа-тўғри хонадон мулки сақланадиган сандиқнинг қопқоғига қўяди. Кейинги гал қарабсизки, давлат бансасидаги пўлат жавонга жой қилиб бермасанг, тухум босмайман, деб туриб олади. Фақат ўз ҳузурини ўйлайдиган товуқлар ёки товуқғеъллар кўп бўлган ерда эса ҳеч қачон футбол тараққий этмайди. Футболчилар ҳам ўша худбинилардан ўрнак олади, бирон командага ўтиб ўйнашдан олдин ўзига қандай наф тегишини сўраб-суриштиришга тушади, фидойилик йўқолади.

Дунёда товуқни қийратишдан осон иш йўқ — дум тарафиға битта чангал солинса бас, аввалига қоқоғлаганича учиб кўради, кейин парраги бузилган вертолётдек гуп этиб ерга тушади-ю, уёғига пиёда қочади. Аммо, Акмалвой ўзи қора бўлсаям жуда оққўнгил бо-

ла бегуноҳ жўжаларнинг тақдирини ўйлаб, йигирма кундан кўпроқ чидаб юрди.

Мени сотиб олгўнича талай азоб-уқубатлар чекканини эшишиб, Акмални янаям яхши кўриб қолдим. Агар Узбекистондаги футболчиларнинг лоақал ўйдан бир қисми тўпга шунаقا меҳр қўя олсайди, «Пахтакор»нинг номини эшитса, «Боруссия»ни безгак тутадиган бўларди.

Мен қорнимни шишириб, мамнун турган пайтимда қулогимга: «Ў-ҳў! Жуда зўр-ку!» деган жарангдор товуш эшитилди. Бундоқ қарасам, Акмалга ўхшаган қорамагиз киши кўча дарвозадан кириб келиб, менга тикилганича илжайиб турибди.

— Тўпим зўрми?— деди Акмалвой.— Қани, Пелечасига битта тепиб кўринг-чи, дада.

— Тепсак тепаверамиз,— дея томоқ қириб қўйди Акмалнинг дадаси.— Ўша Пеле деганинг бизга ўхшаган одам-да.

У ҳазиллашашапти деб бепарво қолибман. Қарангки, кап-кatta киши ўхшатиб туриб биқинимга тепворса бўладими, жанубий шарқ томонга қараб ўқдек учиб кетдим. Орқамдан упинг бир пой туфлиси анча жойгача қувиб келиб, охири қўшни ҳовлидаги каттакон қозонда ниширилаётган сумалакка бориб тушди. Қозон атрофида ўтирган кампирлар жон ҳолатда ҳар томонга қочиб қолишиди. Улар осмондан юлдуз парчаси узилиб тушди деб ўйлашган бўлса керак, аҳолини бу ҳақда олдиндан огоҳлантириб қўймаганлари учун текинхўр астрономларни астойдил қаріай кетишди.

Мен иккинчи, учинчи, тўртичини ҳовлилар устидан учиб ўтиб, ниҳоят настлай бошлидим. «Бир зумдан сўнг Акмал билан яна дийдор кўришамиз. Қандай яхши!» деб ўйладим.

Лекин, бекорга қувонган эканман. Қўнай деганимда, каттакон йўлнинг устига тўғри келиб қолдим-у, қўрқапимдан чокларим тирсиллаб кетди. Йўлда қатор-

қатор машиналар бир-бировининг тутинини ҳидлашиб икки томонга ғиззо-ғиз ўтиб тураг, мабодо уларнинг орасида қолиб кетсанг, омои чиқиши амримаҳол эди.

Наҳотки, эндигина ширии ҳаётим бошланганда, ғилдираклар тагида нобуд бўлсам? Тўғри, ичига ҳаво тўлдирилган ғилдираклар аслида узоқ қариндошим. Аммо улар мендан анча баланд, баландлар эса пайти келганда, қариндоши тугул ўз укасиниям танимай қилиши мумкин.

Эҳ, келиб-келиб, ўзингикилар сени тепалаб турса, жуда-жуда алам қиласи-да. Менимча, дунёда бундан даҳшатлироқ фожеа бўлмаса керак.

Э, хайрият, ишим ўнгидан келди. Акмалнинг дадаси мени тепаётганда ҳақиқатанам ҳисоб-китобни Пелечасига жуда аниқ олган экан, ғилдирак остига эмас, ва-ғиллаганича ўтиб бораётган ағдарма машина устидаги қумга бориб тушдим. Буёғи нима бўлса бўлар энди.

2. ҚУЧҚОРАЛИ МЕНИ ЕЕЛМАДИ

Машинадаги қум Қўзи қассоб деганинг ташқисига тўкилди. Янги қурилаётган ўйни суватмоқчи бўлган шекилли.

Машина жўнааб кетгач, қассоб мени кўриб қолиб аста қўлига олди-да, тепган тўпи ногаҳонда ўз дарвозасига кирган футболчикдек пича сўррайиб турди. Сўнг бирдан тиржайиб: «Дунёнинг ишларини қаранг, тузлаб топширган териларимдан биттаси тўп шаклида ўзимга диди.

— Кўчқорали,— деди у хирқираб,— келақол, ўғилгинам, сенга тўп опкелдим. Тепсанг, тойчоқдек сакрайди бу занғар.

Сўлақмоидай кишининг ғирт ёлғон гапираётганини

кўриб, ҳаддан ташқари уялиб кетдим. Мени сотиб олгунча бечора Ақмал қора қанча қийинчиликлар кўрганини бу тайёрхўр билмайди-да.

— Тўпни нимаям қиласдим,— деда минғирлади ичкаридан чиқиб келган Қўчқорали ва менсимасдан менга кўз қирини ташлади.— Буни ўрнига хурмо-пурмо олиб келавермабсиз-да, дадавой.

Оббо очофат-ей! Қўл-оёқли озиқ-овқат омборининг ўзгинаси-ку. Агар мени сарёққа қовуриб беришса, алла-қачон олдимда чордана қуриб ўтирган бўларди. Кейин қайишқоқ чармларимни чайнайверарди, чайнайверарди... Бу томоша бир ой давом этармиди, икки ойми, бунисини аниқ айтольмайман.

— Яна емишдан гапирасан-а,— деб ўғлига аччирланиб тикилди Қўзи қассоб.— Бўрдоқига боқилаётган-дек ялтиллаб кетганингни қара. Тўп тепиб турсанг, сал поининг пишармиди.

Қўчқорали безиллаб қўл силтади:

— Тўп тепаман деганимдаем, болалар «бор, нарироқда пишилла», дейишиб, бари бир ўйинга қўшишмайди. Спортни бошқа тури минан шуғуллансанмикан?

— Масалан?— кўзларини чақчайтириб сўради Қўзи қассоб.

— Масалан, велосипед спорти минан,— деди Қўчқорали.— Энди битта велосипед олиб берасиз, дадавой. Моторлигидан.

— Мотор?— Қўзи қассоб бирдан бўкириб юборди.— Моторданки гапирединг, энди сендан қассоб чиқмайди. Менга деса мехайник бўлиб ўлиб кет.

— Тўп-чи? Уни тепиб, футболчи бўп кетсам-чи?

— Мехайник бу — ўлгунича мехайник. Пидбўлчилар ўттизга бормай тамом бўлади. Ўттиз ёшда ишсиз қолганингдан кейин қассоблик қилмай қаёққа борардинг? Ҳов, сендан охирги марта сўраяпман, тепасанми манавини, йўқми?

— Бу ҳавфли-ку, дадавой!— энди айёрчиликка ўтди

Қўчқорали.— Мактабимизга келган бир дўхтир овқат егандан кейин югуриш аласний деди.

Тўп бўлиб яралганимдан буён умримда бундақаниги танбални кўрмаган эдим. Тенса тебранмас деганлари шу Қўчқорали бўлса керак. Унга яна битта зўр ширик топилса, икковидан ўзиюрар дарвоза устунлари ўрнида фойдаланиш мумкин бўларди. Бунга ўшаганинларни бирон жойга етаклаб келтириб, оғзига сақич солиб қўйсанг бас, кавшанганича миқ этмай тураверади.

— Ўйнамасанг, ўзингдан кўр,— деди ҳафсаласи пир бўлган Қўзи қассоб.— Унда, тўпни Эмин этикдўзга бериб, махсимга ямоқ солдираман.

Бу гапни эшитиб, капалагим учиб кетди.

3. БИҚИНИМДАН ДАРЧА ОЧИШМОҚЧИ

Эмин этикдўз калишнусха бурнининг устига кўзойнак қўндириб, менга диққат билан тикилди. Кейин тирниғида этимни таталаб кўра бошлади. Ўзингиз биласизки, ҳётим мазмуни ҳар қандай тепкига ўз вақтида мослашиб олиш, турли мақсаддаги қитиқлашларига чидаш эса менинг вазифамга кирмайди. Шунга қараласдан, бу сафар қаҳрамонларча тоқат қилиб турдим.

— Шундай ажойиб терини тўпга ишлатиб, расвойн ради бало қилишибди-я,— деб, Эмин этикдўз афсуснамо бош тебратди.— Одамларга футболдан нима фойда? Уларга пишиқ шиппаклар керак.

У дамимни чиқариб юбориш учун биқинимга бигиз қадаган пайтда, даҳшатдан вужудим жимирлаб кетди. Карактланиб қолганимга қарамай, жонажон ошнам Ақмал қора билан хәёлан видолашиб олишни унутмадим.

Лаънати товуқ! Уша чурвақа жўжаларингни бир кун олдинроқ, ё бўлмаса, бирон кун кеч очсанг, ўлар мидинг? Унда тақдирим тамоман бошқача бўларди.

Бошимга шунча кўргиликлар тушишига биргина сен сабабчисан. Муттаҳам! Молпараст!

Шу маҳал бир пой ботинка қўлтиқлаб олган жингалаксоч бола устахонага шипиллаганича кириб келди. Аҳволимни кўргач, кўзлари қинидан чиққудек бўлиб қийқириб юборди:

— Ие! Тўхтанг!

Баъзида бўлар-бўлмасга сарфланаверадиган қичқириқ бу сафар менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Эмин этикдўз чўчиб кетди-ю, бигиз қўлидан учиб тушиб, ерда сулайиб ётган махсининг нақ тумшуғига санчилди. Яхшиямки, махсини бизга ўхшатиб дамлашмайди, йўқса ҳозир у шўринг қурғурнинг жони узила бошланган бўларди.

— Кимсан ўзинг?— ёқасига туфлаб, болакайга дўқурди этикдўз.

— Фарҳодман!

— Фарҳод бўлсанг ўзингга! Менга бақиришга нима ҳаққинг бор? Ана қара, сени деб табаррук бир махсими ярадор қилдим. Ҳайриятки, шу тобда уни ичиди Қўзи қассобнинг оёғи йўқ. Бўлмаса, кунингни кўрардинг, бола.

— Ахир... тўпни тешманг-да, Эмин тоға,— бу сафар мунғайиб гапирди Фарҳод.

— Бу нарса балки сен учун тўпdir,— Эмин этикдўз энди салмоқланиб уқтиришга тушди.— Биз этикдўзлар ҳатто жаҳон биринчилигида ишлатиладиган тўпларгаям чарм деб қараймиз. Баски чарм экан, уни махсига ямоқ қиласан. Тушунарлами?

У шундай дея бигизни қайтадан қўлига олаётганда аъзойи баданимга яна титроқ кирди. Иш бошқатдан чаппасига кета бошлаганини сезган Фарҳод ҳаяжонланганича кўз жовдиратиб тургач, шоша-пиша таклиф киритди:

— Шошмай туринг, Эмин тоға. Сизга бошқа чарм топиб бераман.

Этикдўз масхараомуз илжайиб қўйди:

— Ўзинг-ку эски ботинкани қўлтиқлаб саргардон прибсан. Обрўйинг шу бўлганидан кейин, чарм топиб сраман деган ганингга қайси аҳмоқ ишонарди?

Фарҳод узоқ ўйлаб ўтирмаӣ, қўлидаги ботинкани шартта унга узатди.

— Мана, ботинкам сизга! Дадам янгисини олиб бераверади. Буни қаранг, жуда зўр чарм-да!

Этикдўз мени қандай текширган бўлса, ботинкани зам худди шундай синчиклаб кўздан кечирди. Аслида, ботинкани қитиқлаб ўтиришга сира ҳожат йўқ эди. Шундайинам, оғзини йиғиштиромай тиржайиб турвуди.

— Тўғрисини айтганда, бу даҳмазанинг оёққа иладиган жойи қолмабди,— дея муғамбирлик билан афтини буриштириди этикдўз.— Иккинчидан, фақат дарахтларгина бир оёқли бўлишади, шундайм ботинка кийишмайди. Хуллас, манави «Ҳасан»и менда турсин, сен визиллаб бориб, «Ҳусани»ниям олиб келгину, тўпни қўлтиқлаб кетавер. Тушунарлами?

Фарҳод қувончини ичига сифдиромай Этикдўзнинг бўйнига осилди.

— Раҳмат, Эмин тоға! Мана кўрасиз, «Пахтакор»да ҳужумчи бўламан ҳали...

— Оғзингни юм!— этикдўзнинг бирдан авзойи ўзгарди.— «Пахтакор»ингни гапирма менга. Уни дастидан, ана, тўнғич ўғлим юракўйноқ бўлиб ётиби. Ушаларга ўхшаб ўйнайдиган бўлсанг, вақти-соати келиб, неварамниям инпарк қиласан.

— Ундақа деманг, Эмин тоға! Ўзимиз зўр ўйнаймиз, чемпион бўламиз ҳали. Кубокниям оламиз.

Эмин этикдўзнинг бу гапдан ҷеҳраси ёришгандай бўлди.

— Ма, олақол уида...

У шундай дея, мени Фарҳодга иргитди. Болакайнинг қувончдан кўзлари чақнаб кетди. Балки тугилга-

нидан бўён бундай улгуржи саҳийликни кўрмагандир.

— Ўзимгами?— деб сўради у юраги ҳовлиқиб.
— Ўз-ўзингга.

— Раҳмат сизга, Эмин тоғажон! Ҳалиги... иккинчи
пой ботинкамни...

— Ботинканги бир-икки кундан кейин опкетар-
сан,— гапни чалғитди этикдўз.— Магазиндагидек қип-
қўяман.

— Махси-чи? Қўзи қассобнинг махсиси нима бў-
лади?

— Бир иложини топармиз,— мийифида жилмайди
Эмин этикдўз.— Бор энди, тўпингни теп. Тушунарлими?

Бунақа пайтда нимаси тушунарли бўлмас экан.
Фарҳод «ура-а», деб қичқирди-ю, ўн бир метрликдан
тепилган тўпдек зувиллаганича ташқарига отилди.

4. ОЛАПАРНИНГ ҲИМОЯДА ЎЙНАГАНИ

Фарҳод билан дарровда дўстлашиб қолдик. У мени
стадионга олиб чиқа бошлаганидан кейин, баҳонада
Тепамаҳалладаги кўпгина болалар билан танишиб ол-
дим. Баъзан Акмал қорани эслаб, юрак-юрагим эзилиб
кетишини ҳисобга олмаганда, кунларим анчайин қув-
ноқ ўтаётган эди. Пайти келса, сурункасига беш-олти
соатлаб стадиондан чиқмайман. Баъзан мен буёқда
қолиб, футболчилар бир-бирларини копток қилишга
киришиб кетади. Буям ўта қизиқ томоша бўларкан.

Айниқса, кеча зўр ўйин бўлди-да. Аввалги куни биз-
никларга 54:55 ҳисобида ютқазиб қўйган қўйимаҳал-
лаликлар бу сафар боплаб ўч олиш ниятида энг жир-
раки ўйинчиларни саралаб келишганди. Доим яланг-
оёқ тўп сурадиган рақиблар шу куни калиш, ботинка,
ҳатто этик кийиб олишибди денг. Дарвозабоннинг сум-
батини кўриб, хоҳолагингиз келади. Ҳаво жизиллатиб
турганига қарамай, бошида қулоги туширилган телпак,

эгнида каттакон пўстин, паҳтали шим устидан кийил-
ган қўпол кирза этикнинг қўнжи тиззасидан бир қарич
баландда. Шу кепатада узунасига ёнбошлаб ётсаям,
дарвозага гол уриш амримаҳол бўл қолади.

Тўп кимники бўлса, болалар ўшанинг гапидан чи-
қишимас экан. Шу туфайли Фарҳод эндигина учинчи
синфда ўқиётганига қарамай, уни команда капитани
қилиб сайлашганди.

Капитан, одатдагидек, бу ўйинда кимнинг қаерда
ўйнашини белгилаб чиққач, болалар ўртасида жанжал
кўтарилди. Дастреб тўққизинчи синфдаги Воқишер но-
розилик билдириди:

— Теракдай бўлиб мен дарвозада турарканман-у,
биринчиди ўқийдиган Кенжавой ҳужумда ўйнаркан-да?
Командамиздаям инсоф қолмади, маҳалламиздаям.

Воқишер баҳонада юрагидаги эски дардларини ҳам
тўкиб солаётганди. Бундан уч кун аввал маҳалладаги
бир тўйда чироқ ўчиб қолди. Бир зумдан сўнг ёнга,
бундоқ қарашса, келин-куёвнинг олдидаги стол устида
дайди кўпрак бемалол варақисомса еб ўтирибди. Оқ-
соқол: «Буни тиригича ушлаб беринглар менга!» деб
наъба тортиши биланоқ, кўча дарвоза таққатақ берки-
тилиб, одамлар ташқини тезда қуршаб олишди. Девор
тагидаги кандикни тўсиб туриш Воқишернинг зимма-
сига тушди. Ит шўрлик циркдаги отга ўхшаб доира
бўйлаб чопа кетди. Фақат фарқи шу эдики, циркдаги
от олқиш олса, бунга кетма-кет тепки ёғилиб турди.
Итнинг аҳволи қанчалар танг бўлмасин, бу ерга қайси
йўлдан кириб келганини унутмаганди, қулай фурсат
пойлаб туриб ўзини жон ҳолатда кандикка урди. Во-
қишер унинг бир сиқим жунини юлиб қолишга зўрга
улгурди. Муттаҳам итни беармон тепалаш имконидан
маҳрум бўлган ўспириналар хуморбостига энди Воқи-
шернинг чангини қоқа кетишиди.

— Бугун ўйин қаттиқ бўлади,— олимлардек қўлини
осмонга бигиз қилиб уқтириди Фарҳод.— Кўп гол уриш-

нинг ўзи етмайди. Қайси команда кам тўп ўтказса, ғалаба ўшанини. Тақдиримиз дарвозабонга боғлиқ.

Бу гапдан Воқишининг ҳийла димоги кўтарилди, индамасдан бориб дарвозадан жой олган чоғда мақтанчоқ Наполеоннинг бесўнақай ёғоч рамкадаги портретига ўхшаб қолди.

Энг ташвишлisisи — шу тобда командамизга битта ўйинчи етмай тургани эди. Тепамаҳалаликлар нима қилиши билмай ўйланиб қолишганда, йўлакда Олапарини эргаштириб келаётган сап-сариқ бола пайдо бўлди. Қуйиб қўйгандек менга ўхшайди.

— Биз билан тўп тепмайсанми, Ботир сариқ? — деб сўради ундан Фарҳод.

Ботир тўхталиб, пича ўйланиб тургач, жиддий тарзда талаб қўйди:

— Ҳужумчи бўламан!

Болалар бараварига кулиб юборишиди.

— Бўйи бир қарич-у, гапи қирқ қарич, — дея пичини отди кимдир.

— Шуни стадионга директор қип қўйсак-чи!

— Боғчадаям амалинг каттароқми, ишқилиб?

Ботир сариқ ўлгудек аразчи экан, лабини буриштирганича индамай йўлга тушди.

— Ҳимояда ўйнасанг, сенга конфет берардик, — унинг ўйлини тўсиб, аврай бошлади Фарҳод.

— Конфетми, конфетларми?

— Конфетлар, конфетлар, — Фарҳод шоша-пиши аниқлик киритди. — Камида олтита.

— Конфетлар Олапарга, — қовоқ уйиб гапирди Ботир сариқ. — Үзимга ёнроқ берасизлар. Ўнта. Ҳимояда мен... ёнроққа ўйнайман.

Яна пича савдолашиб турилгач, ниҳоят Ботир сариқ билан қатъий шартнома тузилиб, команда мусобақага шай ҳолга келтирилди.

Аввалда айтиб ўтганимдек, жудаям қизиқ, жудаям беаёв ўйин бўлди. Ҳар иккала маҳалланинг миллий

торма командаси тўрт ярим соатга чўзилган бу танафуссиз матчда охирги томчи кучи қолгунча олишиди. Ҳўйимаҳалаликларнинг пўстинли дарвозабони сира тўрқмай ўзини оёқ остига ташлаши даставал ҳужумчаларимизни қийин аҳволга солиб қўйди, кейинроқ бу чиём чораси топилди — дарвозани узоқдан мўлжалага сициллар бошланди. Дарвозабон қўйпол кийим ичидаги чулаланиб қолгани учун бир метр ёнидаги тўпга ташлануничча камиди икки минут вақт ўтарди.

Хуллас, рақибларнинг ботинка ва этик кийиб келишгани ҳам фойда бермади. Улар қайтага олдинги кундагидан баттарроқ аҳволда қолишиб, 23:61 ҳисобида тор-мор бўлнишди. Биринчи синфда ўқийдиган Кенжакой бу ўйинда ўттизатча гол урди. Ҳимоячи Ботир сариқнинг Олапари рақиб ҳужумчиларини аямай талаб тургани маҳалламиз болаларига янайм қўл келди.

Олапарга-ку конфет ёғилиб кетди, аммо Ботирга вазъда қилинган ёнроқ масаласи ҳал бўлгунича болалар анча терлаб-пишишди. Чунки, ёнроқ пишиғи ҳали бошлимаган, ўтган йилгилари эса аллақачон жойини топиб кетганди.

— Агар гапларингда турмасаларинг, келаси сафар Қўйимаҳалла командасида ўйнайман, — дея дағдага қилди Ботир сариқ.

Ботирнинг ўзи ўйинчи сифатида бир пулга арзимасаим, уни қопағон ити билан бирга рақиблар сафида кўриш фақат таъби хиралик келтириши мумкин эди. Буни тўғри тушунгани тепамаҳалаликлар эрталабгача ернинг тагидан бўлсаям ўнта ёнроқ толишга аҳд қилишиб, ўй-ўйига тарқалишди.

5. ДИҚҚАТПАЗЛИК

Янги ошнамга эндиғина эликиб, кунларим ҳушчақ-чақ ўтаётган бир паллада кутилмаган воқеа юз берди, таътил бошлиниб, Фарҳод лагерга жўнайдиган бўлди.

Ҳойнаҳой, мениям бирга олиб кетса керак деб ўйлагандим, афсуски, умидим чиппакка чиқди. Ойиси болакайнинг осмахалтасига егулик нарсаларни шунақаям кўп тиқиштирики, у ерга нафақат мен, ҳатто хоккей шайбасиям сифмаган бўларди. Фарҳод, ҳайтовур, ёлизицдан зерикаб қолишимни ҳис қилди шекилли, мени қўши ҳовлида яшовчи Дилдора деган қизалоққа ташлаб кетди.

Сенга жон-дилдан меҳр қўйган дастлабки ўртоғингдан бирон тасодиф туфайли айрилиб қолсанг, кейинчалик йўл-йўлакай учрайдиганлар орасидан содик дўст топиш фоятда мушкуллигини шу бугун англаб етдим. Ўзингиз айтинг-чи, агар Фарҳоднинг ўрнида Акмал қора бўлганида қандайдир олмаю ҳандалакларни деб мендек ошинасини ташлаб кетармиди? Йўқ! Мени сотиб олиш учун ўз ризқини қийиб юришга бардоши етган қадрдоним бу сафар ҳам осмахалтадаги бодринглардан шартта воз кечган бўларди.

Мана энди, келиб-келиб, қиз бола билан муроса қилишга мажбур бўляпман. Мундоқ ўйлаб қаралса, қиз боланинг футболга нима алоқаси бор? Ҳатто давлат байроғига тўп сурати чизилган Бразилиядек мамлакатдаям қизлардан шу пайтгача тишга босгулик футболчи чиқмаган. Кичикроқ кигиз тўп бўлса, бу бошқа гап — теннис ўйнаш, ҳартугур, уларнинг қўлидан келади.

Дилдора олдинига мени ерга дўпира-дўпир уриб, ўйнаб юрди. Билакчаси оғрий бошлади шекилли, алмак-жамак тепиб ҳам кўрди. Ойиси унга қўғирчоқ олиб бергандан кейин эса, мени ҳовлидан кесиб ўтадиган ариқ ёқасига ташлаб қўйди-ю, қайтиб ёнимга йўламади.

Бошга тушганни кўз кўрар, деб қирғоқда бўшашибина ётган эдим, бир куни тонг палласи қўққисдан шамол туриб, мени ўрнимдан қўзғатиб юборди. Юмалаб бориб шалоплаганимча ариққа тушдим.

6. ТАСОДИФИЙ САЕҲАТ

Шундай қилиб, сув етаклаган томонга қараб кетавердим. Йўлда учраган ҳар хил шовваларда бир-бир шўнғиб, бинойидек чўмилиб ҳам олдим. Гоҳида у ёки бу қирғоққа яқинлашиб қолсам, ялпизлар мени эркалатиб юзимни сийпаб қўйишар, бу менга жудаям хуш ёқарди.

Бир пайт оқиб бораётib, узоқдан қассобхонага кўзим тушди. Қассобхона биқинидаги сўри шундоққина ариқ ёқасига ўрнатилган бўлиб, унинг бир тарафида Қўзи қассоб ямалган маҳсисининг ўёқ-буёғини кўздан кечирганича ялпайиб ўтирап, қаршисидаги Эмин этикдўз унга алланарсаларни уқтириб турар, бурчакроққа чўкка тушиб олган Қўчкорали бўлса, қўлидаги устихоннинг илигини қоқиши билан банд эди.

Қўнглимда беихтиёр сув остига шўнғиши, уларга кўринмай ўтиб кетиши истаги туғилди. Бир вақтлар қачон ҳавога тўяркинман, деб ўксинардим, энди ҳаётимда илк марта бундан пушаймон бўлдим.

Биринчи бўлиб мени Қўзи қассоб илғаб олди.

— Ий-е! — дея ўриидан туриб кетди у.— Тузлаб топширган териларимдан биттасини машинада жўнатишувди, буниси сувдан келяпти-ку.

Эмин этикдўз бурнига кўзойнак қўндириб, мен тарафга одатдагидек диққат билан тикилди.

— Шундай ажойиб чарм нам тортиб расво бўпти-я.

— Қани, тур, Қўчкорали! — гердайганича ўғлига бўйруқ қилди Қўзи қассоб.— Шуни қўлдан чиқарсанг, икки кун овқатдан тортиб қўяман.

Устихони судъянинг ҳуштагига ўхшаб оғзига тиқиб ўтирган Қўчкорали ионуштага ноилож барҳам бериб, эринибгина сўридан тушди. Ариқ бўйидаги толнинг томирини ушлаб, яқинлашиб қолганимда пишиллаганича менга қўл чўзди. Тўсатдан томир узилиб кетди-ю, у додлаб ариққа йиқилди. Ношуд ўғлини қутқариш учун

Қўзи қассоб ҳам заводдан чиққан кемадек бўлиб ўзини ариққа ташлаган чоғда Эмин этикдўз қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Яна оқиб кетавердим. Қишлоқ тугаб, дала бошланди. Fўзаси кўсаклай бошлаган пайкаллар орасидан оққаним сайнин, суви ҳар хил шохобчаларга бўлинаётган ариқ тобора саёзлашиб бораверди. Охири, шу ерларда қумга ботиб қопкетмасайдим, дея безиллаб турган пайтимда, мени зўрга судраб бораётган сув бошқа бир ариққа келиб қўйилди. Янги ариқдаги сув ўта лойка бўлса ҳам, тез оқиши билан менга ёқиб қолди.

Бир оздан кейин ўзга қишлоққа кириб келдик. Бу жойлар негадир кўзимга иссиқ кўриниб кетди.

Навбатдаги шоввада мириқиб шўнғиб олгач, нарироқдаги кўпприк устида хомуш ўтирган болага кўзим тушди-ю, довдираганимча жойимда бир лаҳза чирпираб туриб қолдим. Кимни учратганимни айтмасам ҳам сезиб олгандирисиз — ҳа, бу бола ўша эски қадрдоним Акмал қора эди!

Акмал ҳам мени кўриши билан, кўзларига ишонмай, қовоғини бир ишқалаб қўйди. Кейин қувончдан қичқириб юборди:

— Сариқ тўпим! Тўпжоним қайтиб келди!

У сувга эгилдими ёки мен тўлқин билан сакраб унинг бағрига отилдимми, буниси эсимда йўқ, дўстим «чўлл» этказиб пешонамдан ўпгандан кейингина сал ўзимга келдим.

— Тўпгинам! Сариқиниа тўпжоним! — дея тинмай такрорларди Акмал юзимни бағрига босиб.

Мен ҳам ийғлабман шекилли, қадрдон ўртоғим-нинг кўйлагини шалаббо қилиб юборибман...

Мана, бир ҳафтадан буён яна Акмал қора билан биргамиз. Унинг ёнида бўлиш мен учун нақадар завқли эканини сиз ҳатто тасаввур қилолмайсиз.

Биламан, ичингиизда: «Эҳ, нодон тўп, худди бошқалар тепади-ю, Акмал бўлса сени силайдигандек севина-

сан-а», деб турибсиз. Тўғри, Акмал қора ҳам мени тепади, аммо гап бунда эмас. Биринчидан, биз тўплар азалдан тепкиланиш учун яратилганимиз, буни хоҳласак-хоҳламасак тан олишга мажбурмиз. Қолаверса, кимдир сени юрак-юракдан яхши кўришини, сени ҳеч қачон, ҳеч нарсага сотмаслигини доимо ҳис қилиб турсанг, ҳатто унинг тепкиси ҳам кўнглингга оғир ботмас экан.

1984 йил

ПАШШАВОЙНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

МИТТИ РОМАН-ФОЖЕА

I қисм

ХОНАДОННИНГ ЕМИРИЛИШИ

Биринчи боб

Узоқ-яқындаги одамлар иложи борича «Шарқ» ошхонасида овқатланишга ҳаракат қилишади. Чунки бу ердаги таомлар хилма-хил, мазали, энг муҳими — жудаям арzon. Биз ана шу ошхона шифтидаги кандикда яшаймиз.

Одамларнинг феъл-авторига ҳеч тушуниб бўлмайди. Улар очқаган пайтларида ошхонага мунғайиб кириб келишади-ю, қоринлари тўйгач бирдан гердайишиб, ичкиликбозлик қила бошлашади. Бирпасдан кейин қарбасизки, бири чиябўридек увласа, бошқаси қўтосдек бўкириб турибди. Аямнинг айтишича, пащалар орасидан чиққан пиянисталар ичишни ана шу одамлардан ўрганишган экан.

Арақхўр пащалардан биттаси — менинг дадам. У ҳар куни кайфи тарақ келиб, аям бечорани дўпослагани-дўпослаган. Уйда тинч кун йўқ. Акамнинг жаҳли чиқиб, бир-икки марта дадам билан айтишиб ҳам қолди.

Лекин қанчалик дағаллиги қўзимасин, дадам менга сираям тихирлик қилмайди. Аксинча, мени бўлар-бўлмасга эркалатаверади. Аммо, аянг пиқиллаб ўтирганда, эркалаш кўнглингга сифармиди?

Арақ деганлари жуда касофати нарса экан. Соғ-саломат улғайиб олсам, бу лаънатининг яқинига йўлмаганим бўлсин-ей!

Иккинчи боб

Бугун кунботарга яқин дадам бечора қадаҳга қўйилган араққа чўкиб кетиб, оламдан ўтди. Аям билан акамга қўшилиб мен ҳам роса йиғладим. Қанчалар жанжалкаш бўлмасин, дадам биз учун ниҳоятда азиз эканлигини шу тобда тушуниб етдим.

— Раҳматли ўзиям кейинги пайтда ҳадидан ошиб кетувди,— куйиниб таъна қилди аям.— Авваллари арақ юқи идишларни ялаб юрарди. Бора-бора қадаҳларга одамлардан олдинроқ тумшиқ суқадиган бўлди.

Кейин у содда пащаларни йўлдан оздираётган пияниста одамларни бўралаб қарғай кетди.

Умримда бир марта бўлса ҳам катталарга ақл ўргатгим келиб, «бу одамлардан узоқроққа кўчиб кетиш керак», дея гап қистирдим.

— Бу жой бизники!— бирдан ўдағайлаб берди акам.— Улар бутун бир бинони сурбетлик билан эгаллаб бизни кандикка тиқиб қўйишиди. Аксинча, одамларнинг ғашига тегиб, у келгиндиларни бу ердан бездиришимиз керак.

Ҳақиқатанам, мен туғилмасдан анча илгари ошхонада фақат пащаларгина яшашар экан. Бу ерга даставвал ошпазлар бостириб киришибди, кейин хўрандалар келадиган бўлишибди.

— Уларни ҳайдаб бўпсиз,— дедим акамга.— Ишқилиб ўзимизни тирқиратиб қолишимаса бўлгани.

Акам «қисматда борини кўрамиз», дея бепарво қўл силтади.

Акамдан «қисмат нима», деб сўраган эдим, ўқрайиб туриб: «Энанг!» деди. Демак акамнинг бояги гапини «энамизни кўрамиз», деб тушуниш керак бўлади.

Учинчи боб

Дадамнинг вафот этганига ҳали кўп бўлмай, уйимизга совчилар кириб келишди. Нонвойхонадаги тандир ёнида яшайдиган қари Пашиша аямни ёқтириб қолганмиш. Унинг кампирини бир яллачи Қурбақа капотиб қўйганини эшитгандай бўлувдим.

— Уша уятсиз чонни бошимга ураманми,— деди аям.— Унга тул қолган биронта Итпашибани топинглар.

Аямнинг сурбет совчиларга боплаб жавоб қайтарганини кўриб, жуда завқланиб кетдим.

Совчиларни эндигина кузатиб турган эдик, акамнинг Лайзон исмли ўртоғи гандирақлаб хонага кириб келдию, гурсиллаганича ерга йиқилди. Аям уни қаноти билан еллиб туриб, нима воқеа бўлганини сўради. Лайзон қисқа-қисқа нафас оларкан, узук-юлуқ қилиб тушунтира бошлади.

Унинг айтишига қараганда, акам ўз ўртоқларини йиғиб, сурбет одамларга қарши жангга бошлабди. Аввалига одамлар бу хуружларга парво қилмагандек кўринишибди. Кейин оқ кийимли киши келиб пашшалар устидан аллақандай сассиқ дори пуркаб юборибди.

— Шерикларим тутдай тўкилиб қолишиб,— ҳансираганича алам билан ингради Лайзон.— Бу одамзот деган охири ҳаммамизни битта қўймай қириб ташлайди,

Лайзон қанотларини қаттиқ зириллатди-ю, оёғи осмондан бўлганича миқ этмай қолди. Акамнинг ўлгамондан бўлганича миқ этмай қолди. Акамнинг ўлгамондан бўлганича миқ этмай қолди. Мен: «Ака, акажонни билиб, аям беҳуш йиқилди. Мен: «Ака, акажонни билиб, аям беҳуш йиқилди. Учидарарканман, Лайзоннинг сўнгги гапи қулоғим остида қайта жарангларди: «Бу одамзот дегани охири ҳаммамизни битта қўймай қириб ташлайди... Битта қўймай қириб ташлайди! Қириб ташлайди!!!»

Тўртинчи боб

Ё дадамдек пияниста, ё акамга ўхшаган уришқоқ бўлиб кетишимидан чўчили шекилли, аям ошхонада овқатланишимга рухсат бермай қўйди. У қорин тўйдириш учун мени бошқа жойларга бошлаб борадиган бўлиб қолди.

Кечаки тушга яқин иккаламиз итялоққа бориб қўнди. Балки сиз итдан нима ҳам ортарди, дерсиз. Ювијмаган идиш борки, у ерда биз гарибларга яраша овқат топилади. Кекса пашшалар айтгандек, ҳали ҳеч ким ювијлан итялоқни кўриш шарафига муяссар бўлмаган. Шутуфаили ҳеч бир жойдан овқат тонилмаган пайтда, узоқ ўтириш ё итялоқни, ё бўлмаса бет-қўли шатмоқ болани ахтариб қоламиз.

Хуллас, аям иккаламиз итялоққа тушиб олиб, бошқа пашшалар билан эш-қўш тирикчилик қила бошладик. Бирор-бировга ҳалақит бермай, ҳар ким топганини таламон қилиб турган вақтда қандайдир бефаросат одам устимиздан ювинди қўйиб юборса бўладими. Йириклар «ахир бу миттиларнинг ҳам жони бор-ку», деб ўйлашмайдиям... Қочган қочиб қолди, қочолмаган ювинди ҳисобида Олапарга ем бўпкетди.

Оҳ, шўрли аягинам! Ҳозир у ўша итваччанинг ошқозонида сузиб юргандир!

Ўйга қайтиб келишим билан юрагимни негадир ваҳим босди. Ҳувиллаган хонада тун бўйи мижжа қоқмай ўтириб чиқдим. Қўзим юмилди дегунча тушимга Олапарнинг тишлиари киради-ю, бирдан сесканиб кетаман.

Шу дамда мендан дунёдаги энг даҳшатли нарса нима, деб сўрашса, «ёлғизлик», дея жавоб қилган бўлардим.

II қисм

ДАРБАДАРЛИКДА

Биринчи боб

Поччам билан опам келиб, мени ўз хонадонларига олиб кетишиди. Бу — дарбадарликнинг бошланиши эди, холос...

Опамлар бир бадавлат одамнинг данғиллама уйидаги қимматбаҳо жавон ортида туришаркан. Хонага кириб, оғзим ланг очилиб қолди. Деворнинг эшик ва деразадан бошқа ҳамма жойига гиламлар қоқилган, шифтдаги нақшлар кўзни қамаштиради, идиш-товоқдан тортиб қошиқ-чўмичгача — бари ялт-юлт қиласди.

Борган куним катта зиёфатнинг устидан чиқиб қолибман. Уша бадавлат одам кенжә ўғлининг түғилган кунини нишонлаш баҳонасида ўз улфатларини йиғиб, катта исрофгарчилклар қилаётган экан. Дастурхонда ойномодан бошқа ҳамма нарса бор денг.

Поччамнинг қари бувиси билан бирга гулдор пиёладаги мураббога бориб қўндик. Ўзиям мураббомисан мураббо бўлган экан, маза қилиб ялай кетдик.

Бир пайт кайфи ошиб қолган одамлардан биттаси ҳайқирганича столга муштлади-ю, мураббомизни қўққисдан ағдариб юборди. Қочаман деб, бошимни қалампирдонга уриб олдим. Мен-ку анча осон қутулдим, лекин поччамнинг бувиси мураббога аралашиб кетиб, димиқиб ўлди. Одамлар унга ачинишмади ҳам.

Негаям ачинишсин? Ахир улар бизни ўлгудек ёмон кўришади, касаллик юқтирувчи иркитлар, деб ижирғанишади.

Бу воқеадан кейин поччам «ҳе, ўша пойи қадамингдан ўргилдим», дегандек менга совуқ қарайдиган бўлиб қолди. На илож, ўқрайса ўқрайиб юраверсин. Энди поччадан қўрқиши етмай турувди менга.

Иккинчи боб

Дод-войни әшитиб, зингиллаганимча ташқарига чиқдим. Чиқиб қарасам, опам бечора устига алланарса суртиб қўйилган қоғозга қўниб олиб, зириллаб турибди. У жон-жаҳди билан тинмай қанот қоқар, лекин харчанд чиранмасин, оёқларини қоғоздан узиб ололмасди.

Шу чоғда қаёқдандир поччам келиб қолди. Ҳалиги қоғоз атрофида бир-икки айланиб чиқиб, тумтайганича менинг ёнимга қўнди.

— Одамлар бизга қарши елим дори ишлатишяпти,— деди у.— Опангни каллаварамсан, десам жаҳли чиқиб, айюҳаниос соларди. Мана ўзинг кўриб турибсан, агар эси бўлса, келиб-келиб шу ерга қўнармиди!

Опамга ёрдам бериш учун эндинга қўзғалмоқчи бўлувдим, поччам шоша-пиша йўлимни тўсди.

— Нима, жонингдан тўйдингми, тирранча?

У шундай дея мени қанотлари орасига маҳкам қисиб олди, «Қўйворинг мени, қўйворинг!» деб ҳар қанча типирчиламай, ушлаб тураверди. Опамга раҳмим келиб, қўзларимдан ёш тирқирай бошлади.

— Ўзингни ўйласанг-чи, ука,— мени тинчлантиришга уринарди поччам.— Опанг энди пешанасига ёзилганини кўради.

У сўзини тамом қилмай туриб, шўрпешана опам елимага бутунлай қоришиб кетди. Поччам ниҳоят мени қўйиб юбориб, хомуш туриб қолди.

— Мен ҳақимда ёмон ўлламагин,— қўзимга қарамай аста гапирди у.— Опангга ёрдам беришим мумкин эди. Лекин унда севимли поччандан ҳам айрилиб қолган бўлардинг.

«Севимли» эмиш! Хуллас, куним шу қўрқоқча қолди.

Учинчи боб

Ховлидаги Тўрткўзнинг улиганини эшитиб, сўлактумшук Олапарга ем бўлган раҳматли аям беихтиёр эсимга тушиб кетди. Дераза токчасидаги телефонга қўниб олиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошладим. Агар меҳрибон аяжоним тирик бўлганида мен ҳозиргидек очнахор ўтирамидим.

Эшик тирқишидан кириб келган поччам йиғлаётганимни кўриб, телефон ёнидаги қалин китоб устига қўндида, «нега хуноб бўляпсан», деб сўради. Мен гапни чўзиб ўтирмай, қорним очганлигини айтдим.

— Жудаям лаллайган бола экансан! — койиб берди поччам.— Шуни эсдан чиқармагинки, яхшилаб қидирилса, түядек жойдан куядек ушоқ ҳаммавақт топилади. Ушоқнинг ўзи пашшани ахтариб келганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Ваҳоланки, сен тенгилар...

Яна нималар демоқчи бўлувдийкин — буни биргина поччамниг ўзи билади. Унинг насиҳати чала қолди. Хонада иврисиб юрган кампир қўлидаги чарм шалпилдоқни бир силтади-ю, поччамни китобга паққос чаплаб қўйди. Ҳозиргина кеккайиб ваъз айтиётган пашшанинг бирдан чалпакка айланиб қолганини кўриб, қўнглим баттар бузилиб кетди.

Шунда ўйлаб қолдим — поччам-ку, бари бир ўлар экан, ўшанда опамга ёрдам бериб, у билан бирга елимига қоришиб кетаверса бўлмасмиди? Тўғри, бир неча кун олдинроқ ўларди, лекин ўзидан яхши ном қолдиради. Унинг бу ишини бошқа пашшалар узоқ вақтгача бир-бирларига гапириб юришмасмиди?

...Бу оламда ҳеч кимим қолмади.

Тўртинчи боб

Ҳақиқий дарбадарлик бошланди. Қўп жойларда бўлдим. Аҳволингни сўраб, дарддош бўладиганлардан

кўра, сени ноҳақ дўппослаг ёки беаёв масхаралаб, ўз кўнглини хушлайдиганлар тоифаси кўпроқ экан.

Бир куни санғиб юриб, ўзимдан пича ёшроқ Пашшаой билан танишиб қолдим. У бошпанасиз етимча эканимни эшитиб, жудаям хафа бўлиб кетди. Умрим бино бўлиб бунақангি раҳмдил қизни кўрмаган эдим. Раҳмдиллар олижаноб бўлишади деганлари тўғри экан, у мени меҳмондорчиликка таклиф этди.

Оч бўлганим учун уялиб ўтирамадим, унга эргашиб қассобхонага кириб бордим.

— Биз ҳў илгакниг тепасидаги тешикда турамиз, — деди Пашшаой.— Хоҳласанг, аввал шу ерда бир гўштхўрлик қилиб олайлик. Кейин уйимизни кўрсатаман.

Эндини гўштга бориб қўнган эдик, орқамиздан дириллаганича бир Қовоғари келиб қолди. Мен зўр бериб қассобнинг бурни атрофида айлана бошладим. Чунки одамлар бу пасткаш ариларни ўзларининг муқаддас бурунларига ҳеч қачон яқин ўйлатишмайди.

Мен-ку устамонлик билан қутулиб қолдим. Аммо шўрлик Пашшаой лаънати Қовоғарининг чангалига тушди. Олижаноблар содда бўлишади деган гап ҳам тўғри экан.

Донолар айтиганидек, бу дунёда истаганча душман орттириш мумкин-у, аммо дўст топиш жуда мушкул. Мен зўрға битта дўст топганимда, шу заҳотиёқ ундан айрилиб қолдим. Эҳ!..

Шу пайт жангари акамнинг қачонлардир айтиган гапи ёдимга тушди. «Қисматда борини кўрамиз», деган эди у. Қизиқ!..

ХОТИМА

Мен бу «роман»ни бир баҳтсиз Пашшанинг чўнтигидан топилган ёндафттарчадаги эсдаликлар асосида ёздим.

АТРОФИМИЗДАГИ ҚИЗИҚЧИЛАР

Мусибат ҳақида гапириш қанчалар оғир бўлмасин, ахборотингиз учун яна бир нарсани айтиб қўйишим шарт: ўша дарбадар Паша 1978 йилнинг саккизинчи августидаги мен тановул қилиб турган қайноқ шўрвага тушиб, фожеали ҳалок бўлди...

1978 йил

ЮМОРИСТИК ТУРКУМ

КУЧУКНИНГ ҲИКОЯСИ

Ўртогинг ярамасроқ бўлса, орани очиқ қилиб қўйиш осон — пайт пойлаб туриб, унга итқитилган сүякни олиб қочсанг бас, сен билан бир умрга салом-аликни йифишириб қўяқолади. Лекин ўз туғишиган опанг бўлмагур чиқса, вов-вов, бундан қутулишнинг иложи йўқ экан.

Дарди бедаво-да шу опам. Менга ҳеч кун бермайди. Сал-пал эсимда бор, жишлик пайтимизда ҳам аямни аввал у эмарди. Аслида ёнма-ён эмсак дуруст иш бўларди-ю, аммо бунга кўнмасди у ярамас. Кўпинча очлигимча ухлаб қолардим.

Мана, занжирга боғлансанк боғлангудек бўп қолдик. Биз тенгилар аллақачон алоҳида итялоқ қилишиб, одамларнинг уйини пойлашяпти. Уларга қараб ҳавасинг келади. Лекин, опамнинг ҳалиям эси кирмаяпти. Вой, унинг очкўзлиги! Вой, унинг жирракилиги!

Гапини қаранг, «қиз боламан, шунинг учун идишни мен тозалашим керак», дейди. Ўзингиз ҳам тушуниб тургандирсиз, идишни тозалаш, бу — итялоқдаги ювиндини пок-покиза ялаб қўйиш деган гап.

Дастурхон қоқилиши билан қолган-қотган нонларга ҳам биринчи бўлиб у киши чанг соладилар. «Ҳей, уятсиз, энди буёғини менга қўйиб бер-да», десам, «ўғил боласан-ку, сен сүякни ҳам ғажийверасан», деб сурбетларча кавшанишга тушади. Ҳеч бўлмаса, улгуржироқ сүяк тегиб турса ҳам майлийди. Қаёқда дейсиз, ҳозирги қассоблар жуда ноинсоф бўлиб кетишган, гўштга дурустроқ сүяк ҳам қўшишмайди.

Уф-ф, жуда ҳайрон бўпқолдим-да. Ё уйдан шартта

бош олиб кетворсаммикан? Бунақа опа билан, масалан, сиз бир кун ҳам яшолмаган бўлардингиз...

Мана, азбаройи қорним очганидан бармоғимни сўри-и-б ўтирибман. Опам бўлса, маза қилиб идиш тозалаяпти. Бир нарса деяй десам, яна қиз болалигини пеш қиласди. Ҳе, сурбет бўлмай кет!

...Ишқилиб, сен укангни хафа қилмаяпсанми, қизалоқ?

ҚАРҒАНИНГ ҲИКОЯСИ

Қағ-ғ! Ишлар чатағ-ғ! Қағ-ғ! Қа-а-ғ-ғ!!!

Ҳой, аҳволимни сўраб нима қиласан? Ўргилдим сендақангни меҳрибондан. Нима, айтганим билан ярим дардимни тортишиб берармидинг?

Қағ-ғ! Қа-а-ғ-ғ!!! Вой, аblaғ-ғ! Биқинимни еди-ку бу аblaҳ Қорамош.

Мабодо, сеники эмасми ўша юмдалогич маҳлуқ? Ҳалиги қора Мушукни айтаман-да. Бу бефаросатни авваллариям ёмон кўрардим. Боя ўрикнинг шохига қиров ялаб турсам, барака топтур Лайчавой уни зинғиллатганича қувиб ўтиб қолди.

Ана энди Қорамошнинг ҳолини томоша қил: қўрқувдан жунлари тиккайиб, кўзлари ола-кула бўп кетиби. Қочиб бориб, ўзини бостиurmанинг остига урди. У ерга бир уюм ҳазон тўплаб қўйилган, ивитиб қўйга бериб туришади. Қорамош бора солиб, худди ўша хазоннинг ичига кириб кетди. Дараҳтнинг устидан кўриб турмасам экан!

Қарасам, Лайчавой гарангсиганича ивирсиб қолди. Бу ишга шахсан ўзим аралашмасам бўлмайдигандек кўринди. Бориб, ундан нарироққа қўндим-у, гўё ҳеч нарсадан хабарим йўқдек бепарво сўрадим:

— Хў-ў-ш... бу ерда нима гап бўляпти ўзи? — дедим.

— Мушукни шу жойда йўқотиб қўйдим, — деб акиллади Лайча.— Ўша хумпарни ушлаб, шолчақоқди

қилишим керак. Тутиб думини юлмасам, ит эмасман, деб қасам ичиб қўйганма.

— Фаросат билан айтганда, бирор билан ўчакишиш умуман яхши эмас,— дедим мен гердайиб.— Минг афусуски, оғзингга қалтисроқ сўз олиб қўйибсан. Энди «ит» деган табаррук номни астойдил ҳимоя қилишингга тўғри келади. Шундай экац, сен паҳлавон...

Гапни ортиқча чўзганим Лайчага ёқмади шекилли сўзимни шартта бўлиб, «Қорамош қаерга беркинганини кўрдингми, йўқми?» дея ириллаб берди.

— Кўришга-ку кўрмадим-а,— дедим ҳамон паст тушмай,— лекин, фаросат билан иш қилинса, калаванинг учини топиш мумкин. Яъни Қорамош каламуш эмаски, кавакка кириб кетса. Агар янглишмасам, хазоннинг ичига беркинган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳали гапимни тугатганим йўқ эдики, Қорамош хазоннинг орасидан ўқдек сапчиб чиқиб устимга отилди. Лайчавой ҳам, мен ҳам ўзимизни ўнглашга улгуролмай қолдик. У баттол: «Мана сенга, чақимчи!» деди-ю, биқинимга бир тирноқ уриб, ёнимдан ўтиб кетди. Юлингган патларимни тўзитиб, зўр-базўр ҳавога кўтарилдим. Лайча уни яна қувишга тушди.

Вой, биқингинам-е! Ўрикнинг шохига жимгина ўтираверсам бўлмасмиди? Нима қилардим бирорларнинг ишига аралашиб? Бошқаларга ўзимни ақллироқ кўрсатгим келувди-да. Эҳ, пишмаган калла!

...Чақимчилик ёмон нарса дейсанми? Ақл ўргатмоқчимисан, ука? Бор, йўлингдан қолма. Фаросат билан айтганда, шахсан менга дарс беришга ҳали ёшлик қиласан. Қағ-ғ!!!

ЧУЧҚАНИНГ ҲИКОЯСИ

Хур... ҳур... ҳур-р-санҷилик яхши нарса-да. Кеча балчиққа юмалаб, роса ўйнабман денг. Кейин маза қилиб ахлат титкиладим. Дадам аҳволимни кўриб,

«сендан ҳақиқий Чўчқа чиқади», дея елкамга бир уриб қўйди.

Сизнинг фикрингиз қанақалигини билмайман-у, мен доим: «Агар дунёда балчиқ деган нарса бўлмаса, яшашнинг биттаям қизиги қолмаса керак», деб юраман. Афсуски, батъилар бунга тушунмайди. Масалан, қўшнимиз қора Совлиқ эсли-ҳушли ҳайвон бўлатуриб, балчиқни ҳурмат қиласан-чи.

Утган куни унинг ўғли билан биргалашиб ўйнагани чиқдик. Қарасам, Қўзичоқ тушмагур тўғри майсанорга қараб кетяпти. Биламан, уёқда ажриқдан бошқа ҳеч вақо ўйқ.

— Ҳўй, латтабош, буёққа юр,— деб қичқирдим унга.— Жуда ажойиб жой бор, юмаланиб-юмаланиб ўйнаймиз. Қани, юр-чи орқамдан. Уни ўша ҳузурижон Сассиқўлга бошлаб бордим. Борибоқ, ўзимни балчиқка отдим. «Ке, менга ўхшаб бир яйра», дедим Қўзичоққа. У оз-моз иккиланиб туриб, секин балчиққа тушди.

— Қўрқма,— деб далда бердим унга. Кейин тумшуғимни балчиққа тиқиб, унинг ҳавасини келтирдим.— Қани, сен ҳам шунақа қил-чи.

Қўзичоқ тумшуғини балчиққа тиқди-ю, дарров босини кўтариб афтини буриштирганича лой туфлай бошилади.

— Э-э, ютвормайсанми!— дедим ғашим келиб.

Қўзичоқ менга ёмон кўз билан ўқрайиб қўйиб, индамасдан уйига жўнаб қолди. Шу-шу, мендан жуда хифса. Эшитишинга қараганда, уйига борганидан кейин пўстининг расво қилибсан, деб аяси роса таъзирини берибди. Буни эшитиб, Қўзичоққа жуда раҳмим келди.

Қўзичоқ-ку ёш, лекин кап-катта қора Совлиқ балчиқнинг қадрига етмагани қизиқ.

Э, менга нима? Кимки яшашни билмабди, ўзига қийин. Мен бўлсанам, бугун ҳам, эртага ҳам балчиққа

юмалайвераман. Ишқилиб, тоза юрмасам бўлгани. Шундагина ҳақиқий Чўчқа бўлиб етишаман.

...Ха, йўл бўлсин? Оқсойга дейсанми? Ие, фўр бола экансан-ку, сойда чўмилиб нима ҳузур қиласан? Юр, Сассиқўлга борамиз. Сен ҳам бир маза қилсанг-чи.

БУЗОҚНИНГ ҲИКОЯСИ

Чиндан ҳам синчков бўлсангиз, менга дунёдаги энг фаросатсиз ҳайвоннинг номини айтиб беринг-чи? Йўқ, Эшак эмас. Тополмадингиз. Энг бефаросат маҳлуқ, бу — Туя. Ҳа-да!

Масалан, қўшнимиз Нортуюни олайлик. Исмим Тарриф эканлигини унга кунига ўн марта лаб уқдираман. У бўлса, бари-бир Қашқа деб чақираверади. Ҳозир ҳам ёнидан ўтиб бораётсам, «Йўл бўлсин, Қашқавой?» деб яна жиғимга тегди.

Алам қиласидиган жойи шундаки, шу тобда ўзим ўша муттаҳам Қашқани ахтариб юрибман. Қўлимга тушгудек бўлса, уни янайм қашқароқ қилиб қўйишим турган гап. Негаки, у менинг ризқимни қийгани қийган.

Аслида Нортуюнинг адаштирганича бор. Қашқа иккаламиз бир-биримизга жуда ўхшаб кетамиз. Қоронги тушган пайтда ҳатто оналаримиз ҳам кўпинча бизни фарқлолмай қолишиади. Ярамас Қашқа худди мана шундан фойдаланиб, мен ухлаб ётган чоғимда онамни эмзи қочади.

Аввалига уни бир-икки марта яхшиликча огоҳлантиридим. Кейин бир биқинкаш қипқўйдим. Безбет ўшандада ҳам пинагини бузмайди денг. Жирилламай, сен ҳам менинг онамни эмаверсанг-чи, дейди-я. Зап аҳмоқни топибсан-да, дедим унга. Очигини айтсанам, унинг қилитириқдай бир онаси бор, эрталабдан кечгача, эмганингдаям, сўрган сутинг чап ичакка юқ бўлмайди. Менинг онам бўлса, жуда тўлишгац, елиллари лорсиллаб ётибди.

Хуллас, бугун ҳам узоқроқ ухлаб қолган эканман, уйғониб қарасам, Қашқа онамни яна эмиб қочибди. Хунобим ошиб кетди. Ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлади, етар эди. Уни қаердан бўлмасин топиб, уч-тўрт каллалаб ташламасам, мен ҳам юрган эканман.

„Бузоқнинг қочгани сомонхонагача, дейсанми? Гапнингда жон бор, ошнавой. Қани, бир сомонхонага бориб кўрай-чи.

ТУЛҚИЧАНИНГ ҲИКОЯСИ

Биз тулқилар ҳақида гап кетгудек бўлса, одамлар исмимизнинг олдига албатта «айёр» сўзини қўшиб айтишиади. Бу инсофдан эмас, менимча. Айёрлик билан уддабуронликнинг фарқига бориш керак. Тадбиркор бўлмасанг, яшаш қийин.

Ке, бошингни айлантириб ўтирумай, яқинла юз берган бир воқеани сенга эртак қиласай. Шунга қараб, кимлигимиэни ўзинг тушуниб оларсан.

Бундан ўн кунча олдин аям иккаламиз товуқхонада қўлга тушдик. Энди бизни ўлдиришади деб ўйлаб, жуда-жуда қўрқиб кетдим. Аям бечора ҳам дағ-дағ қалтирай бошлади. Гёё «боламда айб йўқ, нима қилсаларинг мени қилинглар», деяётгандек мени олдинги оёқлари орасига қисиб, бошимни жафи билан тўсиб олди.

Қоровул чол аллақаидай матахни ёйганини кўрдим, унинг пияти вималигини англаб етгунимча бирдан кўз олдимни зулмат қонлади. «Одамлар бизни шолчага ўраб олишди», деди чинқириди аям, сўнг жон-жаҳди билан потирлай кетди. Мен ҳам бўш келмадим. Аммо одамлар аллақачоноқ устимизга минис олишганди.

Кучли панжга шолча аралаш бўйнимдан қисди. Насосим бўғилиб, хириллай бошладим... Кейин нима бўлганини билмайман.

Бир маҳал кўзимни очсам, аям иккаламиз ариқча

ёқасидаги толга бoggаниб турибмиз. Бўйнимизда итларникига ўхшаган пишиқ занжир. Қизиқ, бизни нима қилишмоқчи ўзи?

Пича фурсат ўтгач, Қоровул чол чети синиқ косада ачиганроқ бўтқа олиб келиб, олдимизга қўйиб кетди. Чол узоқлашиши биланоқ таомин шошилинч равища искай бошлаган эдимки, аям тумшуғимга битта тушириб қолди.

— Ема! Нафсингни тий, аҳмоқ! — деди.

— Нега емас эканман? — деди зарда билан сўрадим мен. — Қорним аллақачон ҳуштак чаляпти.

— Бизга ҳозир текин овқат керакмас, — деб тушунтириди аям. — Озодлик керак бизга!

Кейин бошимни силаб туриб, ўйлаб қўйған режасини гапириб берди, нима қилишимиз лозимлигини ётиғи билан уқдирди. Шунда мен яланиб, яна минғирладим:

— Ҳеч бўлмаса, сув ичсам майлим? Тилим танглайимга ёпишиб қоляпти.

— Сувни ичсак бўлади, чунки камайгани билинмайди, — деди аям ва ариқча томонга ютоқиб қараб қўйди. — Фақат кечқурун, ҳамма ухлаганда ичамиз. Сабр қил, эсликкинам.

Ниҳоят мен орзиқиб кутган вақт келди, тунда маза қилиб сув ичдим. Бунинг устига, пайт пойлаб туриб, ариқчада қуриллаб юрган бақалардан уч-тўрттасини тутиб едик.

Кунлар шундай ўтаверди, кундузлари туз тотмасдан сулайиб ётамиз, кечқурун оз-моз тириклилик қилиб оламиз. Ҳеч нарса тамадди қилмаётганимиз, ҳатто сув ҳам ичмаётганимиздан одамлар ҳайрон.

— Буларни шолчага ўраб босган пайтингизда қоувргаларини синдириганга ўхшайсиз, — деди товуқбоқар кампир қоровул чолга қараб. — Тўрт кундан бери нонсувга қарамай ётишибди-я. Ишқилиб, тирикли ўзлари?

— Улишмайди,— деб тўнғиллади чол.— Боласиниям катта қилволсам, улардан иккита телпак чиқади.

Бешинчи куни аям менга тайинлади:

— Иложи борича нафас олаётганингни сездирмай ёт бугун. Тепишсаям ғинг дема. Чида!

Шу тариқа миқ этмай ётавердик. Бир маҳал қадам товуши эшитилди. Кўзимни қия очиб қарасам, кампир яна овқат олиб келяпти. У тепамизда тўхталиб, бизга диққат билан тикилиб турди, кейин эгилиб, мени биринки силтаб кўрди.

— Уф!— овқатни кетга қўйиб, чуқур ҳомузга торти ду.— Бу шўрликларнинг уволига қолдик.

Шундай дея бўйнимиздаги занжирни ечиб ташлаб, индамай нари кетди.

— Энди қочамизми? — тоқатсизлана бошладим мен.— Вақтида қочиб қолмасак, қайтиб келиб бошқатдан занжирга солишимасин.

— Жим!— кўзини хиёл очиб шивирлади аям.— Чол дарвоза тарафда юрибди. Яна озгина сабр қил, эсликкинам.

Чол очиқ турган дарвоза олдида анча ивирсиб юрди. Кейин уйчаси ёнига бориб, у ердан обдастани олди-да, ҳовуз тарафга қараб кета бошлади.

— Энди қочсак бўлади. Тур!— ниҳоят қатъий оҳангда буюрди аям.

Мен ўринимдан қўзғалаётib, чети синиқ косадаги овқатдан боллаб бир ялаб олдим. Аям эса атрофимизда бемалол сайд қилиб юрган товуқлардан биттасини аллақачон тумшуғига қистириб улгурган эди.

Қийинчиликларга чидаганимиз яхши бўлди. Мана, занжирдан қутулиб, ўйнаб юрибмиз. Нақ ажалнинг панжасидан омон чиқдик-да, ўзиям.

...Қани, биродар, айтган гапларимни ақл тарозисига солиб кўргин-чи. Сенингча бу айёрликми ёки тадбиркорликми? Балки, тамоман бўлак нарсадир?

ҚУЕНЧАНИНГ ҲИКОЯСИ

Бунча хомушсан, дейсанми? Наҳот хафага ўхшаб кўринаётган бўлсам? Бу шунчаки қорнимнинг очлигидан... ёки Тўнғиз билан «аҳмоқ-аҳмоқ» ўйнайвериб, чарчаганимдан бўлса керак.

Қанақа ўйин бу деганинг нимаси? Ростданам, ҳеч ўйнаб кўрмаганимсан? Ҳётдан тўрт қарич орқада қолибсан-ку, хих-хих-хи.

Тўғрисини айтганда, бу ўйинни ўзим ҳам бугун ўргандим. Агар карамларим бўлмаганда, ким билади дейсан, ҳалиям ўрганолмай юрармидим...

Хуллас, инда ётавериб, жуда зерикб кетдим. Бунинг устига бундоқ тимирскилаб кўрсам, омборчамда тишига илинадиган нарса қолмабди. Пича тамадди қилволиши, баҳонада оёқнинг чигалини ҳам ёзиш мақсадиди чакалакка чиқдим.

Бир вақт қарасам, ҳўяниви ўйлдан эшак арава кетиб борялти. Четанинг¹ ичи лиқ тўла карам. Оғзим сувлашиб, жигилдоним ликиллай бошлади. Одамларла «комадинг юришса — қўмирингдан тилло, эшагингдан мулло чиқади», деган мақол борлигини бувимдан эшиганиман. Мениям бир омадим келди-ю, филдирак чуқурчага тушиб арава силкинган чоғда катта-катта иккита карам четанинг устидан учиди кетди. Мудраб бораётган аравакаш буни сезмай қолди.

Карамларни кўздан панароқ жойга бирин-кетин думалатиб келиб, ейишини қайсинисидан бошласам экан, деб тараддуланиб турган эдим, Ишкамба лақабли қориндор Тўнғиз инқиллаганича қаршимдан чиқиб келди.

— Ингқ, ингқ, карам муборак бўлсин, Қуёнпол-

¹ Четан — хивичдан тўқилган кажава, арава четига доимра шаклида тиклаб қўйилади.

ХАЧИРНИНГ ҲИҚОЯСИ

вои,— деди у олдимга янам яқинлашиб.— Қаёқдан эплаштирдинг буларни?

Ишкамбанинг менга бундақа дўстона муомала қилганини сира кўрмагандим, бирдан эриб кетдим.

— Топдик-да энди,— деб жавоб қилдим тиржайиб.

— Жудаям ажойибсан-да, ука,— дея карамларга тикилганича мени мақтай кетди у.— Биламан сен шоввозни, мен билан «аҳмоқ-аҳмоқ» ўйнашни мўлжаллаб турибсан, ингқ. Ишкамба акангни эрмак қилиб, бир яйрамоқчисан-да, а?

Бунинг қанақа ўйинлигини сўраган эдим, кекса Тўнғиз «била туриб, мени калака қиляпсан», деб аввалига сал ранжиган бўлди, кейин шошмасдан тушунтира бошлиди. Унинг айтишича, бу ўйинда икки ҳайвон қатнашаркан, бири овқат еб турганида иккинчиси «аҳмоқ кавшанди-ё, аҳмоқ кавшанди-ё», дея уни масхаралаганча атрофида ирғишлаб юаркан.

Жуда қизиқ ўйин, тўғрими? Мен ўтирумай ўйинда иштирок этишга тезда рози бўлдим. Ишкамба «фирс-тирс» қилиб карамни ейишга киришди, мен унинг атрофида сакраб, «аҳмоқ кавшандиё», деб қичқира кетдим. Шу десанг, мазах қилавериб томогим, ирғишлайвериб оёғим оғрий бошлиди.

Ишкамба иккала карамни пок-покиза тушириб бўлгач, «ўзингдан-ўзинг намунча шаталоқ отасан, ҳў, фи-лай», дея менга ўқрайиб қаради. Мен яна пича «аҳмоқ-аҳмоқ» ўйнайлик, деб илтимос қилган эдим, у «ингқ-ингқ, ўзинг аҳмоқсан», деганича келган томонига қараб жўнади. Ортиқча аҳмоқ қилганимдан хафа бўлди шекилли.

„Менга бунақа масхараомуз илжаймагин-да, ошна? Нима, Тўнғизни боллаганимга ишонмаяпсанми?

От — дадам, Эшак — аям. Йўқ-йўқ, адашиб кетдим. Эшак — дадам, От — аям. Ҳа, дадам — Эшак. Шунинг учун мен Хачирман. Агар дадам ҳам от бўлганда, мен тойчиқ бўлиб тугилардим. Ё аксинча, аям ҳам эшак бўлганда эди, ҳозир қаршишгизда мен эмас, кетворган бир хўтиқ турарди.

Иложи борича ё тойчиқ, ё хўтиқ бўлиб туғилган яхши экан. Хачирлик нималигини хачир бўлган билади. Менга жуда қийин. Яйловга чиқсам, бир томонда аям кишинай бошлайди, бир томонда дадам ҳанграб қолади. Аямнинг кетидан чопай десам, унга етиб юролмайман. Дадамга эргашай десам, майда қадамлиги жонимга тегиб кетади. Бор-е, дейман-у, ўзим бошқа томонга қараб баҳоли қудрат чопиб кетаман. Тўргайлар ҳуштак чалганларича орқамдан эрмаклаб қолишиади.

Оёқларимга қараб, пакана бўлсам ҳам, ҳар ҳолда аямга тортган эканман, деб юрардим. Тунов кун булоқда ўз аксимни кўриб, бу фикримдан қайтдим. Тумшугим ва қулоқларим худди эшакнигига... кечирависиз, дадамнигига ўхшар экан. Турхатим ҳам иккιёқлама эканлигини билиб, ичикиб кетдим. Хуллас, на тойчиқман, на хўтиқ. Катта бўлганимдан кейин ҳам одамлар мени отек чоптиришиб, эшакдай ишлатишса керак.

Буларни қўйиб турайлик, мухимроқ бошқа бир масала бор. Кўпдан бери бошим қотиб юриби — кишина-саммикан, ҳанграсаммикан? Кишнаганим билан бари бир мени ҳеч ким тулпор демайди. Борди-ю, ҳанграсам, унда чала эшак бўпқоламан. Менимча, кишнаган ва ҳанграганга ўхшаганроқ овоз топганим маъқул.

„Ҳў, акаси бўйидан! Сен шу масалада менга дурустроқ маслаҳат беролмайсанми?

ҲАҚКАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Одамлар мени ўғри дейишади. Шуям гап бўлди-ю! Нима, бошқа қушлардан бойиб кетган жойим борми? Кўнчилик қатори тирикчилик қилиб юрибман-да. Ўзимга керагидан ортиқроқ нарсани ўмарган бўлсам, тешиб чиқсин.

Фараз қилайлики, ёғлиқина сузма қатиқни қурит қилишиб, офтобга териб қўйишган. Теваракда ҳеч ким йўқ. Масалан, сиз ўша қуритлардан бир-иккитасини тотиб кўрмасмидингиз? Фақат, олифтагарчилек қилмай, тўғрисини гапиринг.

Ёки томга ёйиб қўйилган ёнгоққа дуч келиб қолдингиз дейлик. Нега энди ундан уч-тўртта чақиб кўрмаслик керак экан? Биламан, шахсан сиз қоринни ҳам тўйдирасиз, чўнтакка ҳам урасиз. Мен бечорада ҳатто биттагина чўнтак ҳам йўқ.

Энди тухум масаласига келсак, қушларнинг тухумини қасдан ўғирлайди десангиз, мени тўғри тушунмас экансиз. Бирорлар ҳақида ўйламай-нетмай бўлмагур гапларни гапириб юриш яхши эмас. Сиздағангиларни гийбатчи дейишади.

Ўзингиз биласиз, мен ашулачиман. Ашулачи бўлгандаям майна-сайналарга ўхшаган хашаки яллачилардан эмасман. Теракнинг учига қўнволиб шақиллашни бошлаб юборсам, овозим етти маҳаллага таралади. Шунақа ажойиб овозингиз бўлса, сиз ҳам кунига хом тухум ютиб туришини канда қилмасдингиз...

Ие, ҳў обдастанинг ёнидаги нима? Пишлоқми? Вой, атир совун-ку. Ерга ташлаб қўйишибди-я. Ҳойнаҳой, одамларга ортиқчалик қилаётганга ўхшайди. Атрофда бирор йўқми?

...Вей шалпангқулоқ, нега хўмрайиб қолдинг? Кўриб турисан, ҳаво тобора исиб кетяпти. Озгина совун есам, патларим тулаб, сал енгилроқ бўп қоламан. Мен ўзимга керак бўлмаган нарсани олаётганим йўқ-ку.

ЧИЯБУРИНИНГ ҲИҚОЯСИ

Мактабга боришга ҳеч оёғим тортмай қолди. Ўқитувчимиз борган сари қиин саволлар бериб, миямнинг қатиғини чиқаряпти. Олдинги қаторда ўтиришнинг ҳосияти йўқ экан. Ҳар куни элакдан ўтаман-да.

Мана, кечаги кунни олайлик. Ўқитувчимиз мени ўрнимдан тургизиб: «Хўш, айт-чи, Қуён ботқоққа чўкаётган бўлса, биз нима қилишимиз керак?» деб сўраб қолди. «Серқамишроқ жойни танлаб, эҳтиёткорлик билан унга яқинлашамиз», дедим мен.

— Балли!— деди ўқитувчимиз.

— Жудаям яқинлашиб қолганимизда бир қўлимиз билан бақувватроқ қамишнинг тубидан ушлаб, иккинчи қўлимизни Қуёнга чўзамиз,— мақтодан кўнглим кўтарилиб, баралла гапирдим мен.— Қуён панжага кирди дегунча, уни шартта ўзимизга тортамиз.

— Калланг зўр ишляяпти!— деб севиниб қичқирди ўқитувчимиз.— Бало экансан! Қани, давом эт!

Мен нима дейишими билмай дудуқланиб қолдим. Шунда ўқитувчимиз бирдан қовоғини уйиб, негадир тоқатсизлана бошлади. Кейин бирдан тўнини тескари кийиб:

— Қуён панжангда турибди, хумкалла!— деб ўшқирди.— Гапга тузукроқ хулоса ясамайсанми энди?

Мен баҳомнинг пастреб кетишидан қўрқиб, пича ўйланиб қолдим. «Қуённинг терисидан лойларни тозалаб ташлаймиз», дедим.

— Гапниям, ишниям чўзворяпсан,— сўлагини ютиб ғижинди ўқитувчимиз.— Сен Қуённи мушкул аҳволдан қутқардинг, озод қилдинг! Оддийроқ тилда айтганда, Қуёнга фойданг тегди. Энди Қуённинг сенга фойдаси тегиши керак. Ҳўш, ўйла-чи?

Нима дейишими билмай қолдим.

— Қуён бошқа бир қуёнга текинга яхшилик қилиши мумкин,— менга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди ўқитувчи-

миз.—Лекин биз Чиябўримиз. Биздаги фалсафа бошқача... Ўзимизга яраша нафсимиз бор...

Ҳануз индамай турганимни кўриб, унинг баттардан жаҳли чиқди. Бўғзимдан ушлаб туриб, мени ўзига яқинроқ тортди.

— Аввалига Қўённи озод қиласми,—кўзларига қон тўлиб гапирди ўқитувчимиз.—Қутқариб бўлгач, биз уни мана бундоқ қилиб...

У оғзини катта очиб, тумшуғини кекиртагимга яқинлаштирган паллада бирдан ҳамма нарсага тушуниб етдим-у, бор овозда: «Еб қўямыз!» деб қичқирдим. Ўқитувчимиз енгил тортиб, ниҳоят мени қўйиб юборди.

— Бор экансан-ку, хумкалла,—чехраси очилиб, елкамга уриб қўйди у.—Чиябўри деганинг гапи мана бунаقا бўпти-да!

Хуллас, битта «тўрт» олгунча она сутим оғзимга келди.

...Нима дединг? Учта товуққа иккита ўрдакни қўшиқ, жами нечта бўлади дейсанми? Бу масалани осонгина ҳал қилиш мумкин, оғайнижон. Бошни ортиқча қотириб ўтираслик учун уларни шартта еб қўямыз, қоринда ўзлари қўшилиб кетаверади.

БЕШИКТЕРВАТАРНИНГ ҲИКОЯСИ

Мана шу уватнинг ҳаммаси илгарилари Бешиктерваторларга қарашли эди. Бир куни очкўз Чигирткалар ёпирилиб келишиди-ю, биз ов қиласидан жойларни эгаллаб олишиб, тирикчилик қийинлашиб кетди.

Авваллари чивин ёки хонқизини ҳар қадамда тутиб ейиш мумкин эди. Энди кун бўйи куйиб-пишиб ўлжа қидирасан-у, топганинг ошқозонга жаз бўлмайди. Сакрорич Чигирткалар деярли ҳамма нарсани заҳри-маҳрига ютиб бўлишиди.

Бу кўргиликлар камлик қилганидек, ўша чириллоқ

махлуқларнинг дўқчилигини айтмайсизми. Кечаки либ юрсам, улардан иккитаси қаршимдан чиқиб қолди: биттаси семиз, бошқаси ориқроқ. Семизи менга кўз қирида қараб қўйиб, шеригидан сўради:

— Анави сўлжайиб турган нарса нима?

— Дунёда қаланғи-қасанғилардан кўпи йўқ,—деди ориғи.—Буям бирорта ҳашаротдир-да.

— Сўраб кўр-чи,—димоғдорлик билан гапирди се-мизи,—биз томониларда нимага ивиришиб юрибдийкин.

Бу гап менга жуда алам қип кетди. Узинг туғилиб ўсган жойда бўйин қисиб юришга мажбур бўлсанг-у, бунинг устига «қаёқдан келиб қолдинг», деб пўписа қилишса, юрак-юрагинг тўкилиб кетмайдими?

Ҳўнграб йиғлаганимча уйга кириб келдим. Хуни бийронлигим сабабини эшишиб, бувим менга таскин бера бошлади:

— Хафа бўлма, дўмбоқчам, тирикчилигимиз бирнав ўтиб турибди-ку. Шунисигаям шукур қилайлик.

— Йўқ, бувижон, чидаш қийин,—дедим мен.—Тунов кун биттаси йўлимни тўсиб: «Нега чирилламаяпсан?» деб дўқ урувди...

Бувим бирпас хомуш туриб қолди. Кейин чукур уф тортиб, мунгли товушда деди:

— Чириллоқ маҳлуқлар жуда кўп, дўмбоқчам. Улар билан ўчакишма. Зўравонларгаям бир балолик кун бордир.

Билмадим, ўшандай кун қачон келаркин. Балки қиши қаттиқроқ ўтиб Чигирткаларнинг тухуми ёппа музлаб қолар. Қўшишимиз бувимга шунаقا дёётгандай бўлувди.

...Бунча эснайсан, болакай, уйқу босяптими дейман? Бунақада қулогингга гап киармиди? Майли, кейин дардлашармиз. Ҳозир мен тебраниб туриб баҳтиёрлик ҳақида алла айтаман, сен маза қилиб ухлаб олгин бўлмаса.

ЧУМОЛИНИНГ ҲИКОЯСИ

Ишком остида тимирскиланиб юриб, даройи узумнинг уругини топиб олдим. Қуриб кетгур зил-замбил экан, итариб ҳам, тортиб ҳам жойидан силжитиб бўлмади. Таваккал қилиб елкалаб олсаммикан, деб турган пайтимда, олдимдан «виш-ш» этиб бир бадбашара маҳлуқ чиқиб қолса бўладими.

Бувим кечагина ёвуз аждарҳо ҳақида эртак айтиб берган эдилар. Ёша қонхўр оғзини катта очганича шутобда олдимдан чиқиб турибди-ю. У билан солишай десам, эртакда аждарҳони ўлдирган Қиличботир, афуски, мен эмасман. Қўлимда силтанса қирқ газ чўзиладиган қиличим ҳам йўқ.

Дарров эс-ҳушимни йигиб олдиму, мулоимлик билан унга таъзим қилдим.

— Ассалому алайкум, жаноб Аждарҳо,— дедим.
Аждарҳо аввалига негадир ўнғайсизланиб, ўёқ-буёек-қа қараб қўйди. Кейин бирдан кўкрак кериб «саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим», дея менга кўз олайтириди. Мен эгилиб яна таъзим қилдим.

Бир вақт бошимни кўтариб қарасам, ҳозиргина қаршиимда гердайиб турган аждарҳо йўқ. У жанобнинг ерда ётган барг остига шоша-пиша кириб кетаётганини аранг пайқаб қолдим. Гап нимада эканлигини англаб ултурганим йўқ эдики, осмондан бир паҳлавон учиб келиб, гурсиллаганича ерга қўнди. Унинг шабадасидан уч-тўрт юмаланиб, яна оёққа турдим.

Паҳлавон патларини ҳурпайтириб туриб: «Семизқурт қани?» деб сўради мендан. Эндингина сўзга оғиз жуфтлаган эдим, қўйқисдан шамол уфуриб, ҳалиги барг пилдираганича учиб кетди-ю, Семизқурт номли аждарҳо яп-яланг жойда қолди. Паҳлавон бирдан хамлага ҳозирланганини кўриб, унинг Қиличботир эканлигини фаҳмладим. Бувимнинг эртакда сўйлаганлари рост бўлса, энди улар қирқ кечаю қирқ кундуз жанг

қилишади, деб безиллаб турган эдим. Қиличботир бир калла солишдаёқ аждарҳони сулайтириб қўйди.

— Қойил, Қиличботир!— деб қичқирдим мен, завқланиб кетиб.

— Оғзингга қараб гапир,— бирдан жеркиб берди паҳлавон.— Иега мени бошқалар билан адаштирасан, тирранча? Мен етти иқлимга донғи кетган машҳур Чумчук полвон бўламан-а!

У шундай дея жаноб аждарҳони тишлиб олганича яна осмони фалакка кўтарилиди.

Ҳозир бувимнинг ёнига шошиляпман. Мен унга эртак эмас, Чумчук полвон ҳақида ўз кўзим билан кўрганларимни айтиб берсам, сезиб турибманки, оғзи ланг очилиб қолади.

...Хўп, хайр, биродар. Сен ҳам бу ғаройиб ҳикояни ўртоқларингга сўзлаб бериб, уларни анграйтириб қўйсанг-чи.

МУШУҚЧАНИНГ ҲИКОЯСИ

Одамлар «мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди», деган мақол тўқишиганмиш. Бу бекорчи гап бўлса керак, деб ўйлайман. Масалан, шахсан мен ҳар куни томга чиқволиб, офтобда исинаман, лекин бунинг әвазига ҳеч кимдан ҳеч қанақа ҳақ талаб қилган эмасман.

Томда ётиб, баъзан узоқ-узоқларга термилиб қоламан. Ер юзи поёнсиз, дейишади. Бу гапга ишониш учун дунёга томдан туриб қараш керак экан. Мен атрофни яхшилаб кўздан кечириб чиққанимдан кейин, ер юзи мана шу томга қараганда камида ўн беш марта катта бўлса керак, деб ўйлаб қўйдим. Ўн беш марта-я!

Томда ётишнинг яна бир фойдали томони шундаки, бу ердан ҳовлининг ҳаммаёғи кафтдек кўриниб туради. Масалан, кеча мўрининг ёнида ётиб, тандир остидаги кавакдан алланарсанинг пилдираганича чиқиб келаётганини пайқаб қолдим. Мундоқ қарасам, кап-катта бир

Сичқон уялмай-нетмай калиш чайнаб ўтирибди. Жаҳ-
лим чиққанидан думим хода бўлиб, жунларим ҳурпа-
йиб кетди, мий-ёв!

Вағиллаганимча ўзимни томдан ташладим. Ҳалиги
калишхўр нонуштани тўхтатиб, жуфтакни ростлаб қол-
ди. Унга етиб олиб, эндигина таппа босаман деб турган
пайтимда, олдимдан ер ютгур Олапар чиқиб қолса бў-
ладими. У вопира-воп қилиб менга ташланган эди, ўзим
сичқон бўлиб кетдим-ку.

Тандирнинг ёнида чети синиқ сопол тоғора тўнта-
риғлиқ туарди, ўқдек учиб бориб ўшанинг тагига
кириб олдим. Олапар тирқищдан тумшуғини суқиб,
бир-икки марта ириллаб қўйди-да, кейин орқа оёқлари
билан тоғоранинг устига тупроқ чаңгита бошлади. Ит-
лигинг қўзимай ўлгур-е!

Олапар қайтиб кетгандан кейин дунё бирдан жим-
жит бўлиб қолди. Шунда тоғора остида бирорнинг пиш-
пиш нафас олаётгани эшилди. Қарасам, бир чеккада
ҳансираганича ҳалиги Сичқонбой турибди. Олапардан
қўрқиб кетиб, у ҳам тўғри шу ёққа қочган экан. До-
нишманд бобом «нодон қаршингда турган бўлса, сен
ақл билан иш кўр», дер эдилар. Гўштидан калиш ҳиди
анқиб турганини ҳисобга олмаганди, ёғлиққина Сич-
қон экан, маза қилиб едим.

Вой, нодон Сичқон-е, бошқа жой қуриб кетгандек,
келиб-келиб тоғоранинг тагига беркинганини қаранг.
Каллаварам-да. Билмайдики, ер юзи мана шу синиқ
тоғорага қараганда камида минг марта катта.

...Оғайни, сен ҳам ер юзини ўзингча ҳеч чамалаб
кўрганмисан?

ҚУРБАҚАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Қур-р, вақ! Мени танидингизми? Ҳа, мен ўша боши
япaloқ, қўзи шапалоқ Қурбақаман. Лақабим — вақва-
қатўра.

Қўриб турибсиз, вақтим чог. Бўлмасам-чи! Ҳозиргина
иккита хира пашшани тутволиб, шаппа-шуппа ямлаб
ташладим. Энди ҳовузга калла ташлаб, бир чўмилсам-
микан деб турибман. Мен сизга айтсан, қорин тўйган-
дан кейин ҷалқанча ётиб сузишнинг ҳам ўзига яраша
гашти бор. Қанча кўп сузсанг, шунча ланж бўласан. Ана
ундан кейин бақатўнга ўранвониб, маза қилиб
ухлаш мумкин.

Лекин шуниси ёмонки, уйқудан уйғонган пайтингда
қорнинг яна очқаб қолган бўлади. Шунда тарвайиб бир
керишасану, кўзинг жавдираб овқат ахтариб қоласан.

Ўтган куни уйқусираб туриб, бир саёқ арини ютиб
юборибман. Итпашшага ўҳшатибман-да. Бир вақт
ичак-ичакларимга игна санчишни бошлаб юборди-ю.
Қуриллаб додлаганимча, сатта пақир бўйи сакраб ўзим-
ни ерга ураман денг. Ари чақишини қўймайди, мен —
додлашимни. Йўқ, хайрият, охири ошқозонимгаям бит-
та игна санчди-ю, шу билан бутунлай ҳазм бўпкетди.

Балойи азимдан қутилиб олганимдан кейин мундоқ
қарасам, сайроқи қушларни қафасда боқиб юрадиган
бона суқланганича менга қараб турибди. Боя тинмай
қуриллаётган пайтимда, чамаси ширали овозим унга
ёқиб кетган бўлса керак. Бона тушмагур сайроқи қуш-
ларга қўшиб, мени ҳам биронта қафасга солиб қўй-
масин, дедиму ҳовузга қараб ура қочдим. Мен сизга
айтсан, қафасда ётиб тайёр овқат егандан кўра, эркин
юриб оч қоринга ари ютган минг марта афзал.

...Бу ҳикояни айтишдан мақсад, ўртоқчилик ҳурмати
сени огоҳлантириб қўймоқчиман. Маслаҳатим шуки, уй-
қусираб туриб овқат ейишга одатлана кўрмагин, бу-
нинг оқибати жудаям ёмон бўларкан.

ЖУЖАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Мана, эсон-омон тухумдан чиқиб олдим. Ўзиям тор
жойда қисилиб, қоронғида ўлгудек зерикиб кетувдим.
Мендан кейин укаларим ҳам бирин-кетин тухум

иачоқлашга тушишди. Ёрглилка чиқишгач, менга ўхшаб анчагача кўзларини очолмай туришди. Шумшайиб ўтиришганини кўриб кулгинг қистайди.

Ҳозирча олтитамиз. Мен, яна биттамиз ўғил, қолган тўрттаси қиз. Еттинчи тухум ҳалиям сингани йўқ. Аям бечора бундан хавотирда. Дам тухумни босиб ётади, дам унга аста қулоқ солиб кўради — жимжит. Қаҷонгача ётар экансан, деб қўйман ўзимча. Ҳали чиқсин, дадамдан бир калтак ейиши бор у ялқовнинг.

Ҳа, айтгандай, жудаям зўр дадам бор-да. Бошида қип-қизил тож, битта-битта қадам ташлаб юришини кўрсанг, ҳавасинг келади. Кўп гапирмайди, фақат баъзан кўкрагини кериб туриб маънодор қичқириб қўяди. «Чи-чи-чий, чи-чи-чий!» Йўқ, ўхшатолмадим. Тилим келишмаяпти.

Аямнинг айтишига қараганда, шу яқин атрофдаги хўроздар дадамни кўрди дегунча чумчуқдек тирақайлаб кетишаркан. Лекин очишини айтсам, чумчуқ нималигини ўзим ҳам унчалик тушунмай турибман. Уни қўйинг-буни қўйинг, пайти келиб, мен ҳам дадамга ўхшаб полвон бўбкетсам-а.

Э, ҳайрият, ана еттинчи тухум ҳам ёрилди. Ие-ие, буниси ким бўлди энди? На менга ўхшайди, на укаларимга. Тумшуғи яп-япалоқ, оёғиям бошқача. Панжаларининг орасида пардасиям бор. Вой, тавбангда кетайин-ей!

— Бу ўрдак-ку! — бирдан шовқин солиб қолди аям.— Менга ўрдакнинг тухумини бостиришибди. Муттаҳамлар!

Дадам кенжатойга ҳафсаласизлик билан қараб қўиди-ю, индамади. Кенжатой бўлса, э йўқ, бе йўқ, чопганича бориб ўзини сув тўла тогорага отди. Бир-икки шўнғиб олгач, гердайволиб сузишга тушди.

Охири айтганим келди — у дадамнинг битта тарсакисини еди-ю, тогорадан четга учиб кетди.

Бошқалардан каттароқ бўлганим учун, уларни тер-

габ туришга ҳаққим бор. Шуни ҳисобга олиб, тарсакидан зада смай яна тогорага тирмашаётган кенжатойга қараб ўшқирдим:

— Вей, ўрдак, қоч жомчанинг олдидан!

Худди гапимга тушунмаётгандек безрайиб туришини қаранг. Япалоқ тумшуғингдан ўргилдим сени! Ўрдак бўлсанг, ўзингга!

...Ошна, айт-чи, ўрдак дегани нима ўзи?

ҲУТИҚНИНГ ҲИҚОЯСИ

Кўп нарсага қизиқаман. Шу тифайли кечалари ўйланаб ётаман. Ҳозирча каллам биноидек ишлаб турди, фаросатим жойида. Мен билан у-бу нарсалар тўгрисида бир-икки оғиз гаплашсангиз, ишончим комилки, зеҳнимнинг ўткирлигини кўриб, ҳангу ҳанг... йўқ, ҳангу манг бўп қоласиз.

Масалан, сиз нима учун баъзан чақмоқ чақиб, кейин момогулдирак бўлишини биласизми? Қўйинг, хижолат бўлманг, ҳозир ўзим тушунтириб қўяман. Булатлар сузиб бораверади, сузиб бораверади, охири бирдамас-бирда тоғнинг чўққисига урилади. Иккита чағиртошни бир-бирига уриб кўрган бўлсангиз биласиз, бундай пайтда чарс-чурс ўт чақнайди. Ана сизга чақмоқ. Булат чўққига урилгандан кейин, ўз-ўзидан маълумки, ҳаммаёқ ларзага келади. Қарабсизки, отхонадек-отхонадек келадиган ҳарсангошлар гулдураганича пастга қараб юмалай бошлайди. Ана сизга момагулдурак.

Ҳа, бу анча чигал масала. Ҳамманинг ҳам тезда фахми етавермайди. Келинг, сизга бошқа осонроқ савол берай.

Қани, айтинг-чи, нима учун араванинг гилдираги юмалоғу деразанинг кўзи тўртбурчак? Эҳ-а, шуни ҳам билмайман денг? Майли, бунисини ўзимиз айтиб бераверамиз.

Хў-ў-ш, умрингизда бирон марта юмалоқ ойнакни кўрганмисиз?

Биламан, кўрмагансиз, ҳамма ойнак заводдан тўртбурчак қилиб чиқарилади. Шундай бўлгандан кейин деразанинг кўзини ҳам ўша ойнакка мослаштириб тўртбурчак шаклда ясашга тўғри келади. Араванинг ғилдирагига эса ойнак солинмайди, шунинг учун у юмалоқ. Мана гап қаерда.

...Хў, болакай, нега менга қараб хўшшай-и-иб қолдинг? Бирон нарсага ақлинг етмай турибдими дейманда. Саволинг бўлса, тортинмай сўрайвер, мен ҳамма нарсани биламан.

ҚОВОҒАРИНИНГ ҲИҚОЯСИ

Бир учишда буғдойзорнинг устидан тўхтамай ўтиб кетишни ният қилган эдим, бўлмади, ярим йўлда моторим қизиб кетди. Бирдан пастга шўнғидиму дириллаб борганимча бошоққа урилдим. Буғдойнинг пояси камалакдек эгилиб, мен турган бошоқ ерга бориб тегди, кейин ҳайинчакда учгандек яна баландга қўтарилдим. Қаранг-а, тап-тайёр ўйин бор экан-у, мен билмай юрган эканман. Энди бекорчилик пайтларимда мана шунақа «ҳалов туя» ўйнаб тураман.

Ҳозир вақтим зиқ. Ниначи билан ҳў пичанзорда учрашишим керак. Унинг ота-онаси мени меҳмонга чақиришибди. Қани, инначиларнинг овқатидан ҳам бир татиб кўрайлик-чи.

Ниначи билан жуда ғалати вазиятда танишиб қолдим. Тунов куни пичанзордаги курмаклардан биригг қўниб дам олиб ўтирсан, сочига кўк латта боғлагаг бир қизалоқ шиппа-шиппа ёнимдан ўтиб қолди.

Орқароқда келаётган болакай эса «вертолёт кички на экан, авайлаб ушла», деб пичирлаб қўйди унга. Вертолёти нима экан, деб мундоқ қарасам, нарироқдаги

қиёқнинг учиди чиройли бир Ниначи қўниб турибди. Қизалоқ қўйини омбир қилволиб, унинг орқасидан аста писиб боряпти. Зирнлаганимча Ниначи тарафга отилдиму думига бир калла солиб ўтиб кетдим. Иккаламиз бараваринга ҳавога қўтарилдик.

— Бунча аиқаясан, ошина! — деб қичқирдим унга, учиб бораётуб.— Аиави писмиқлар сени пойлаб юришибди.

Шунда ҳалиги болакай пастдан туриб: «Хап сеними, бомбардимончи!» дея менга мушт ўқталди. «Бомбардимончи» нималигини аниқ билмайман-у, тахминан айтганда, бу — чақимчиларга қўйилган янги лақаб бўлса керак. Топдимми?

Гапнинг қисқаси, ўшандан кейин Ниначи билан иноқлашиб кетдик. Мана, бугун — меҳмондорчилик.

...Хоҳласанг, сениям бирга олиб боришим мумкин. Лекин борадиган бўлсанг, аввал моторингни яхшилаб совутиб ол, ошна.

СУВАРАҚНИНГ ҲИҚОЯСИ

Миш-мишларга қараганда, бир замонлар бу ерда дурустгина қўрғон бўлган экан. Нураб-нураб, охири ундан мана шу бир парчагина девор қолибди. Бу девор шунақаям серковакки, пастдан туриб қарасанг, кўп қаватли бинога ўхшаб кўринади. Ана шу бинодаги хоналардан биттасида мен яшайман.

Тўғрисини айтсан, қўшниларим ичиди истараси исриқроғи ўзимман. Масалан, ўнг тарафимдаги хонада Бузоқбоши, чап томонимда Қалтакесак туради. Иккovi ҳам бир-бираидан бадбашара. Тагимдаги хонада яшайдиган Қирқоёққа келсак, у янайм тасқарароқ. Баъзан унга қараб туриб, оёғинг саксонта бўлгандаям, бари бир менчалик пойга чополмайсан, деб ўйлаб қўйман. Қўшниларим орасида энг турқи совуғи, бу — Чаён.

Сиз фақат унинг турқини кўргансиз, лекин ҳали гаплашмаган бўлсангиз керак. Унинг гапи сумбатидан ҳам совуқ.

Бундан уч-тўрт кун олдин ўша Чаён шунақаям таъбимни тирриқ қилдики...

Ўша куни одатдагидек новвойхонага бориб, маза қилиб увоқ едим. Кўзим тўйиб, нафсим қониб, қорини чирманда қилганимча уйга қайтиб келаётсам, йўлда бирдац ёмғир шивалаб қолди. Югуриб бориб ариқча бўйидаги заҳар замбуруғнинг тагига кириб олдим. Бир маҳал қаёқданам Чаён пайдо бўлди-ю, ҳаллослаганича келиб, у ҳам замбуруғнинг остига суқулди. Орқа оёғимни босганича таққа тўхтади. Болдиrlарим қирсиллаб кетган бўлишига қарамай, тишни-тишга қўйиб секингина минғилладим:

— Ҳў, ака, оёғингизнинг тагидан чиқиб кетсак майлими?— дедим.

Шунда у чўчиб ёнига ўгирилди-ю, мени кўриб, бирдан думини гажак қилди.

— Могор кийимда нега менга суйкаласан, вей? Иўқол бу ердан!— дея ўшқира кетди у. Кейин ўҳшатиб туриб кетимга битта тепса бўладими! У калтафаҳм билан ади-бади айтишиб ўтирамадим. Үзимни зўрға босиб, секин уйга қайтдим. Уйга етиб келгунча шалаббо бўлиб кетган эканман, туни билан иситмалаб чиқибман денг.

Ҳа, бу Чаён деганлари шунақа мараз махлук, у билан қўшничиликни аллақачон йиғишириб қўйганман.

...Мана, танишиб ҳам олдик. Биз тарафларга яна келиб қолсанг, тортинмай тўғри уйимга кириб боравер. Адресимни ёзвол: Бузуқ қўрғон, эски девор, чапдан ўн иккинчи кавак. Ёзийб бўлдингми? Қани, кўрай-чи... Мана шунақа-да, мен ўн иккинчи кавак десам, сен ўн еттинчини ёзибсан! Учир! Учир дарров! Биласанми, ўн еттинчи хонада ким туради? У ерда ўша лаънати Чаён яшайди-я!

ТОШБАҚАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Душанба оғир кун деганлари тўғри экан. Бугун ҳаво шунақаям исиб бердики, нафас олсанг, худди чўғютаётгандек бўласан. Ҳали ҳеч қанча йўл юрганим йўғ-у, силлам қуриб, томогим қақраб кетди.

Одамларинг болаларига маза-да, улар бунақа пайтда салқин жойни топволишиб, муздек лимонад ичи-и-иб ўтиришади, ё бўлмаса бурунларини тортиб тортиб музқаймоқ ялашади. Хуллас, тошбақа бўлиб минг йил судралгандан кўра, одам бўлиб юз йилгина яшаган маъқул экан.

Билиб турибман, «шунчалик ҳолинг бор экан, сафарга чиқишини сенга ким қўйибди», деб ўйлаяпсиз.

Ҳў, мирзатеракларни кўрятасизми? Ўша томонда битта холам бор. Холамнинг кенжা чевараси қадрдон ошнам. Келаси душанбада ўша кичкинот ўртоғим бир юз ўн ёшга тўлади. Уни табриклагани кетяпман.

Нега менга бунақа қарайсиз? Бир ҳафта олдин йўлга чиққанимдан ҳайрон бўляпсиз шекилли? Нима, мени айғирмидимки, оёғимга тақа қоқволиб, тош йўлдан шакир-шуқур чопиб кетсам. Орқамдан ит қувласа ҳам бўлган-битганим шу.

Ана холос, гап билан бўлиб, қумлоққа чиқиб қолибман-ку. Ҳаммадан ҳам анави дўнгликка тўғри келиб қолганимни кўрмайсизми. Иш расво бўлди-да. Бунақа дўнглардан кўп панд еганман, ўлиб-тиришиб тепага чиқдим деганингда бир сирғанасан-у, ўзингни яна пастда кўрасан.

...Умрингда бирорвга яхшилик қилганимисан, ошна? Малол келмаса, мени дўппингга солиб, ана шу дўнгдан ўтказиб қўйигин. Нима бўлсајам, яхши ният билан йўлга чиққашман, зиёфатдан қуруқ қолмайин тағин.

УЛОҚНИНГ ҲИҚОЯСИ

Ота-онамдаям, ўзимдаям соқол бор. Бир қарашда учаламиз бир хилга ўхшаймиз. Лекин жудаям унақа масалан, дадамнинг бўйнига қўнғироқ осиб қўэмас. Масалан, дадамнинг бўйнига ҳам чиройлироқ бурайилган, аямнинг буғуларнидан ҳам чиройлироқ бурама шохи бор, менинг эса чап кўзим шилпиқ. Қекса туреканинг тахмини тўғри чиқса, кўзим шу ёз ичи тузылиб кетиши керак.

Йоловда Маймун деган ярамас маҳлуқ пайдо бўлмасдан илгари иккала кўзим ҳам соппа-соф эди. Озигина эҳтиётсизлик қилиб, бошимга шу кўргиликни орттириб олдим.

Ўшанда эрта баҳор эди. Ҳар галгидек бизни саҳарлаб ўтлоққа ҳайдашди. Дадамнинг ортидан саф тортиб, қўнғироқ овозига қулоқ солганимизча булоқ бўйидаги тоғолча осидан ўтиб бораётган пайтимизда «зув-в» этган товуш эшитилиб қолди. Каттакон арча бужури тошдек учиб келиб, тарсиллаганича дадамнинг талоқ отди-ю, овозининг борича маъраб юборди.

Бундоқ қарасам, арчанинг баланд шохидаги тасқара маҳлуқ тиржайиб ўтирибди. Қўзлари бежо. Мен қара «анави шайтонни қаранглар», деб қичқирган эдим, кекса Серка «бе-е, бу Маймун-ку», дея бурнини жийириб қўйди.

Дадамнинг аламини олиш учун қўй-қўзиларни икки томонга суриб бир оз орқага тисарилдим-да, тапирагутуп қилганимча бориб, жон-жаҳдим билан арчага калла солдим. Маймун шохдан узилган олмадек тапкабори қилимади. Йиқилмади. Ҳайрон бўлиб тепага қараганим биламан, у афting қўрғур шуни пойлаб турған эканми, қўлидаги арча бужури билан ўхшатиб сопқолди-ю. Чап кўзимдан ўт чақнаб кетгандек бўлди. Бехуш йиқилиб қолибман денг. Кейин суриштирсан, ўша Маймун ҳайвонот боғи-

дан қочиб келган экан, одамлар уни эртасига ёқ ушлаб кетишибди.

Чакки бўлибди-да. Шу ерда юрганда, у тасқара билан яккама-якка солишиб кўрардим. Ўзиниям бундан кейин қўлига арча бужури ушламайдиган қилиб ташлардим-да.

...Сен анча маданиятли болага ўхшайсан. Ҳайвонот боғига ҳам бориб турсанг керак? Яна бориб қолсанг, ўша Маймунга айтиб қўй, агар қўлимга тушса, нақ жигини эзиб қўяман. Кейин, ўзинг ҳам чап кўзингга эҳтиёт бўл, хўими?

СУВҚАЛАМУШНИНГ ҲИҚОЯСИ

Чўртсанбалиқларни яхши биламан, бирорни назар-писанд қилишмайди. Тарвақайлаган мўйловларидан қувонишади шекилли. Уларда бор мўйлов биздаям бор, лекин шу пайтгача гердайган эмасмиз.

Мен, ҳатто, ўзимдан кичик Тангабалиқларни ҳам ҳурмат қиласман. Мабодо қорним очиб қолса, улардан бирортасини яхшиликча тутиб оламан-да, ҳеч бир қўпполлик қилмай силаб-сийнаб туриб, пок-покиза саб қўяман. Мана бу бошқа гап. Бирорга ноҳақ озор беришнинг нима кераги бор? Зўравонлик қилиб, ҳали ҳеч ким барака топмаган.

Масалан, Чўртсан учига чиққан зўравон эди. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек, менинг ғашимга тегмасдан туролмасди.

Ташқарида учрашиб қолсак, кўрмаганга олиб туриб, думи билан биқинимга бир туртиб ўтарди. Ичкарида ётсам, инимнинг оғзига келиб, сувни атайлаб лойқалата бошларди. Бир нарса деяй десам, гавдаси менга иккита келади.

Охири жонимдан ўтиб кетди. Қеча, «ке, нима бўлса бўлар» дедим-у, бақатённинг тагига кириб олиб, унинг

йўлини пойлай бошладим. Бир вақт лаллайганича сувизб кепқолди. Тепамдан ўтаётган пайтда бир сапчиб бўғизидан кирт тишлиб олдим. Жон ширин-да, бир зум типирчилаб турди, кейин сулайди-қолди. Атрофга ола-зарак қараб қўйиб, уни секингина инимга судраб кирдим. Узиям роса етилган экан, кечадан бери еб тугаттолмайман.

Эрталаб қуюқ ионуштадан кейин ташқарига чиқиб керишиб турсам, ёнимдан ялпайганича Зоғорабалиқ ўтиб қолди. У олдимда тўхталиб: «Қўшнинг Чўртнабек кўринмайдими?» дея шамадор бир гап айтди. Мен чайналиб ўтирмай «сайру саёҳатда юргандир-да», деб қўя қолдим. Шунақа эзмаларни жиним сўймайди. Узинг соғ-омон қилтинглаб юрганингга шукур қилсангчи, бошқалар билан ишинг нима?

Умуман, Зоғорабалиқ билан гапни калта қилганим яхши бўлди. Дадам раҳматли «кўп егину, камроқ гапиргин», дердилар. Ҳақиқатанам, юз оғиз гап гапиргандан кўра, битта бақа тутиб еган яхшироқ.

...Мана, ҳамма гапни ўз қулогинг билан эшилдинг. Ҳўш, оғайни, менинг хулқ-авторим ҳақида нималар дея оласан?

ЭЧКИЭМАРНИНГ ҲИҚОЯСИ

Тимсоҳнинг жияниман. Бир даврлар тоғам билан бирга дарёда яшардик. Қурғоқчилик йиллари туйқус сув камайиб кетди-ю, иккаламиз тор жойда жуда қисилиб қолдик. Бунинг устига тоғам ориятимга тегадиган бир-иккита гап айтиб, ғашимни келтириб қўйди. Шундан кейин «ҳайё-ҳыйт» деб, чўлу биёбонга бош олиб кетвордим.

Дастлабки ойларда жазирамага чидолмай, томогим қуриб юрди, кейин бора-бора қўнишиб қолдим. Саҳро — дарё эмас, бу ерда яшайдиган махлуқлар саноқли.

Агар эпчилроқ бўлмасанг, очингдан ўлиб кетасан. Шу туфайли қўнғиздан тортиб, каламушгача бир бошдан тутиб еявердим. Гап ўртамиизда қолсин-у, бир куви пайт пойлаб туриб, битта касалманд Чиябўрини ҳам гумдон қилдим. Хайриятки, унинг безори ошналари буни пайқамай қолишиди.

Қишлоқ тарафга бориши ўрганиб олганимдан кейин, янги бир хунар орттиридим. Эчки деган ювошгина жонивор бўларкан, эмсанг индамай тураверади-да. Сути бирам ширин, бирам мазалики, тўйиб эмиб олсанг, икки кун овқатланмай юраверасан.

Лекин, бу хурсандчилигим ҳам узоққа чўзилмади. Одамлар эчкини эмиб турганимни кўриб қолишиб, мени шунақаям тирақайлатиб қувишдики, бошим омен қолганига ҳали-ҳали шукур қиласман.

Тимсоҳ деган дабдабали номим ана ўшандан кейин расво бўлди. Одамлар менга эчкимар деган лақаб тиркашди. Нафси бузуқликнинг оқибати ёмон бўларкан, мана, охири шармандали лақаб орттириб олдим.

...Жон ошна, шу одамлар билан бир гаплашиб қўрмайсанми? Агар улар мени қайтадан тимсоҳ деб атавга рози бўлишса, мен ҳам бундан кейин ўшаларнинг эчкисини эммаганим бўлсин. Бунга кўнишмаса, ўзларидан кўришсин.

1978—1983 ийлар